*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*



# O‘ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN’ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA

№ 19 (4574) // 2020-yil 5-iyun

# АДИБЛАР ХИЁБОНИ – МАЪРИФАТ БЎСТОНИ

*Тилимиз, қадриятларимиз равнақида адабиётнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, адабиёт, тил яшар экан, миллат яшайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда адабиётга, китобхонликка эътиборнинг кучайганига гувоҳ бўлиб турибмизки, бу, албатта, тез орада ўз самарасини кўрсатади.*





## ИХЛОС ВА МЕҲР БИЛАН

Ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш, “Ижод” фонди томонидан адабий-бадиий китобларнинг мунтазам чоп этилаётгани, ёш ижодкорларга ғамхўрлик — буларнинг бари қадим ва навқирон адабиётимизнинг янада гуллаб-яшнаши гаровидир. Айни кунда эса Ёзувчилар уюшмасининг ҳашаматли биноси ва унга туташ Адиблар хиёбонининг барпо этилгани нафақат адабий ҳаётимиз, балки мамлакат маданий ҳаётида ҳам улкан воқеа бўлди. Ушбу саъй-ҳаракатлардан кўзда тутилган мақсад ёшларимизни илм-маърифатли, маънавияти юксак, ҳар томонлама етук, комил инсонлар қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Пойтахтимизда ёш авлод зиёрат қиладиган мўътабар манзиллар, табаррук гўшалар кам эмас, ҳар бирининг ўзгача файзи, тароватни бор. Шу йил 20 майда пойтахтнинг қоқ марказида Адиблар хиёбонининг очилиши ва бу масканда ҳазрат Алишер Навоий ва бошқа улуғ сиймолар ҳайкаллари қад ростлаши халқимизнинг кўксини фахр ва ғурурга тўлдирди.

Бу хиёбонда номлари абадийлаштирилган ҳар бир адибни ўзбек адабиётининг битта устуни, десак тўғри бўлади. Бу зотлар гарчи турли замонларда яшаган бўлса-да, уларни бир нарса бирлаштириб туради. Умр бўйи миллатим, халқим, деб яшаган бу сиймолар ўзбек тили, ўзбек тафаккури, мухтасар айтганда, ўзбек миллати деб аталган буюк иморатга битта ғишт қўя олган инсонлардир.

Хиёбонда Навоий бобомизнинг беш аср мобайнида яшаб ўтган аҳли шуаро билан нафис мажлис қуриб, қўр тўкиб ўтиргани, шубҳасиз, композицион ечимнинг муваффақиятини таъминлаган. Алишер Навоийнинг ўзбек тили ва адабиёти олдидаги буюк хизматлари, давлат арбоби, меценат сифатидаги ёркин ишлари ёшларимизнинг ўзлигини, қолаверса, қандай буюк зотларнинг насли эканини англашига омил бўлади.

► 2

**Бугун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг сони яна беш нафарга кўпайди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Эндиликда бу ёшларнинг номи ҳам адабиётимиз дарғалари номлари қаторида жаранглайди. Уларнинг ижод масъулиятини чуқур ҳис қилиб, Ватанимизга, халқимизга хизмат қилишига ишонамиз. Қуйида ёш ижодкорларнинг дил изҳори билан танишасиз.**

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси матбуот хизмати*

## ИШОНЧНИ ОҚЛАШ НАСИБ ЭТСИН

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

– Бугун ҳаётимда, ижодимда энг унутилмас, ҳаяжонли кунлардан бири бўлди. Биз болаликдан шеърларини ёд олиб, китобларини ҳаяжон билан ўқиб юрган устозларимиз қўлидан Ёзувчилар уюшмаси аъзолигини тасдиқловчи ҳужжатни олдик. Адабиётга, юртимизга астойдил хизмат қилиш, муносиб бўлиш бахти менга ва ижодкор дўстларимга насиб этсин.

**Маҳфуза ИМОМОВА**

– Адабиёт бутун инсониятнинг тақдири ҳақида қайғурадиган, ўтмишини, бугунини, келажагини ўйлайдиган онага ўхшайди. Бунинг бир исботи сифатида бугун бизга устоз ижодкорларимиз бошчилигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигини тасдиқловчи ҳужжат берилди. Буюк адибларимизга насиб қилган бундай бахт, албатта, бизга ҳам улкан масъулият юклайди. Уюшма раиси бошчилигида билдирилган тилаклар, Расул Ҳамзатов айтганидай “ўз сўқмоғимизни яратишга”, уни яшнатишга ундайди. Бизда юртимизда содир бўлаётган ўзгаришларга, жамиятда учрайдиган муаммоларга дахлдорлик туйғуси янада ортди. Албатта, бу ишончни оқлашга астойдил ҳаракат қиламиз.

**Биби Робиа САИДОВА**

– Шу бугунги кунгача кўнгил дардини, кўрган-кечирганларимизни, ҳис-туйғуларимизни қоғозга туширардик. Бирор шеъримиз газета-журнал ёки телевидениеда эълон қилинса, чексиз завқ-шавқни туярдик. Бугунгача ҳис қилганларимиз шулар эди. Аммо бугун... бари ўзгарди. Қувонч катта масъулиятга айланди. Завқ-шавқ эса, мақсад сари бошлади. Бугун туйғуларимиз шунчаки туйғу эмас, балки унинг ортида Ватанга, шу қоракўз халққа шоир сифатида хизмат қилиш вазифаси турганини тушундик.

Бугун биз беш нафар ёш Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлдик. Инсоннинг муштида ҳам 5 та бармоқ бўлади. Биз ёшлар адабиёт учун, бизга ишонганлар учун муштга айланамиз. Ватанимиз, халқимиз учун том маънода тоғни талқон қиладиган, маънавиятни, адабиётни тарғиб этадиган авлод бўламиз. Бунга ишончимиз комил.

**Шавкат ОДИЛЖОН**

– 2016 йили Дўрмонда ўтказилган Республика Ёш ижодкорлар семинарида бизнинг ҳам машқларимиз юқори баҳоланди, устозлар томонидан нашрга тавсия этилди. 2017 йили “Биринчи китобим” лойиҳасида “Ижод” жамоат фонди томонидан китобларимиз чоп қилинди. Бугун эса биргаликда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлдик. Зиммамиздаги улкан масъулиятни ҳам ҳис қилиб турибмиз. Бу масъулиятни оқлаш насиб қилсин ҳаммамизга.

**Мансур ЖУМАЕВ,**
**Шоҳсанам НИШОНОВА**

## АДАБИЁТ ДАРЁСИ – ҲАЁТ ДАРЁСИ

*3 июнь куни эрта тонгда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида барпо этилган Адиблар хиёбонидан 6000дан зиёд китоб юкланган катта карвон – Адабиёт карвони янги замоннинг Буюк ипак йўли бўйлаб Сирдарё вилоятига йўл олди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар Президентимизнинг Сирдарё вилоятига ташрифи чоғидаги топшириғига биноан “Ижод” жамоат фонди томонидан олдин 4000, кейин 6000, жами 10 000 нусхада нашр этилган “Сайҳун саболари” шеърий ва “Сирдарё мавжлари” насрий асарлар тўпламларини ёш китобхонларга етказиш учун Адабиёт карвонига ҳамроҳлик қилдилар.*

Она Ватанимизнинг Амударёси бор, Сирдарёси бор. Халқимизнинг ризқ-баракасини таъминлайдиган бу дарёлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг қон томирларидир. Улар неча минг йиллардан буён оқиб келаяпти. Оққан дарё оқаверади. Халқимиз ҳаёти учун ниҳоятда муҳим бўлган яна бир улуғ дарё бор. Бу – Адабиёт дарёси.

► 2

**Озодбек НАЗАРБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири**

## ЮКСАК МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРУВЧИ КУЧ

*Мамлакатимизда барча соҳалар қатори маданият ва санъат ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони маданият ва санъат аҳли ҳаётида яна бир қувончли ҳодиса бўлди.*

Мазкур Фармон соҳада молиявий, ҳуқуқий, керак бўлса, ижодий жиҳатдан долзарблик касб этаётган муаммоларни бартараф этиб, чинакам истеъдод эгаларига қатор имтиёзлар яратиши билан аҳамиятлидир. Хусусан, давлат тасарруфидаги концерт ва маданият саройларида тўлиқ жонли ижро асосида ўтказиладиган концерт дастурлари учун ижара тўловидан 50 фоиз чегирмага эга бўладилар. Шунингдек, ижодкорлардан концерт-томоша тадбирига бир марталик рухсатнома бериш учун ундириладиган йиғим бекор қилинди. Давлат органлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслар хизмат кўрсатганда, албатта, ёзма ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома тузилиши белгиланди.

► 5



**Эшқобил ШУКУР**

## ОРЗУ

**Даҳолар кўнглига чўғ ташлаган сир,**
**Осмон мактубларин мангу мавзуси.**
**Азал зулматларин кесиб ўтган нур —**
**Инсонни инсондай кўрмак орзуси.**

**Минг йиллар берию минг йиллар нари,**
**Юлдузлар остида, замин устида**
**Ўтди қанча жаҳон пайғамбарлари**
**Шу ният дастида, шу ўй қасдида.**

**Қанча тарихларни қум босганида,**
**Селларда қолганда эллар қайғуси,**
**Нишлайверди пирлар қабристонида —**
**Инсонни инсондай кўрмак орзуси.**

**Ўзинг асра бизни, эй қодир Худо,**
**Пасткаш заволидан, аблаҳ ҳолидан.**
**Разил кимсалардай қилмагил жудо**
**Инсонни инсонлик истиқболидан.**

**Яссавийни буюк чиллага солган,**
**Навоий қалбининг олий туйғуси,**
**Бухорий бошида ойдай юксалган —**
**Инсонни инсондай кўрмак орзуси.**

**Не азиз қадим ва янги дунёда,**
**Келар кунларимми, қолар изларим?**
**Мангу йўлдош бўлиб Амударёга**
**“Инсон!” деб ҳайқирар Термизийларим.**

**Даҳолар кўнглига чўғ ташлаган сир,**
**Осмон мактубларин мангу мавзуси.**
**Азал зулматларин кесиб ўтган нур —**
**Инсонни инсондай кўрмак орзуси.**

► 3

## МЕН СЕРГЕЛИДА ЯШАЙМАН



**Талабалик йилларимдаёқ Сергелида яшаш менга ёқиб қолди. Гўзал Тошкентнинг бошқа туманларида ҳам яшаб кўрдим, аммо об-ҳавосими, табиатими, шоирона руҳиятимга кўпроқ мос тушгани Сергели бўлди. Биз дастлаб бу ерга келганимиздаги ҳолатни бугунги ёшлар тасаввур ҳам қила олмайдилар. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шаҳар марказидан Сергелига сариқ автобус қатнар эди. Бекатларда дугоналарим билан “сариқвой”ни соатлаб кутардик.**

► 2

**Александр ПУШКИН**

## БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИГА

**Ишқ фонтани, эй ўлмас фонтан,**
**Сенга икки қизил гул совғам!**
**Шилдирашинг ёқимли чунон,**
**Шоирона кўз ёшларинг ҳам.**

**Сачрар менга кумуш тўзонинг,**
**Эсар салқин шабнам нафаси,**
**Тинмайин оқ, юпанч чашмаси!**
**Шилдир-шилдир сўйла достонинг…**

**Ишқ фонтани, қайғули фонтан,**
**Мармарингдан айладим сўроқ,**
**Мен эшитдим йироқ элга шон,**
**Мариядан айтмадинг бироқ…**

**Унут бўлдинг наҳотки мангу —**
**Сен, эй сўлғин ҳарам юлдузи?**
**Ё Мария, Зарема бону —**
**Наҳот ширин хаёлнинг ўзи?**

**Ёки бари ширин бир уйқу,**
**Бу қоронғи хилватда хаёл,**
**Ё бир дамлик орзумиди у,**
**Ё қалбдаги ул мажҳул тимсол?**

*1824*

*Миртемир таржимаси*

► 4



# МЕН СЕРГЕЛИДА ЯШАЙМАН

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шаҳардан Сергелига кирадиган кўприкдан ўтганда, автобус негадир тутаб кетар, ҳайдовчи йигит: "Энди тушиб турасизлар, автобус қизиб кетди, совугач кетамиз", дерди. Автобус бекатларида на айвонча бор, на ўриндиқ. Туманда бозор йўқлиги боис "Чорсу", "Олой" ва "Қуйлиқ" бозорларидан дам олиш кунлари харид қилиб келар эдик. Бу юмуш ҳам бир дам олиш кунимизни "ўғирлар"ди. Ишдан кеч қолиб такси тўхтатадиган бўлсак, ҳайдовчилар: "Эй, Сергели узоқ, бормайман", дерди. Борадиганлари ҳам отнинг калласидек нархни айтарди. Мени танийдиган ҳайдовчи бўлса: "Опа, шундай таниқли аёл шаҳар марказида мазза қилиб яшамайсизми", деб одамни хижолат қилар эди. Ўша пайтларда бизнинг Сергелимизга метро келади ёки автобуслар қатнови ҳар 5 ёки 10 минут оралиғида бўлади, дейишса ҳеч ким ишонмасди.

Ҳозирда қад ростлаётган янги, кўп қаватли уйларнинг ўрни чакалакзор, қамишзор бўлиб, у томонга маҳаллий аҳоли, ҳатто мол боқишга боришга ҳам қўрқар эди.



2016 йилдан бошлаб "Сергели – ҳақиқатга айланаётган афсоналар юрти"га айланди. Ер устидан ўтадиган метро қурилиши жадаллашди. 2016 йили Юртбошимиз Сергели туманида 500 та кўп қаватли уйлар қурилиши ҳақида чиқарган қарорининг ижроси тўлиқ таъминланишига оз фурсат қолди. Президентимиз қурилиш ишларини кўриш учун ҳар йили Сергелига бир неча маротаба ташриф буюриб, янги-янги лойиҳаларнинг ишга тушишига кўрсатмалар бердилар.

* * *

Савоб... Бу сўзнинг замирида теран маънолар ётибди. Тақдирлар, кечмишлар, ночорликлар, адашишлар, хуллас, бандасининг бошига тушадиган турли савдолар туфайли бошпанасиз қолган, боз устига, кўмакка муҳтож ҳамюртларимизга Президентимиз Шавкат Мирзиёев юксак эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари масаланинг энг оғриқ нуқтасини топди. Муаммо шундай улкан эдики, гўё ҳал этиб бўлмайдигандек туюларди биз учун. Бу уй-жой муаммоси эди. Дунё иқтисоди ўнглаб бўлмас инқирозга юз тутиб, не бир қудратли давлатларнинг раҳбарлари ҳам бу машаққат устида бош қотиришаётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари буюк жасорат, доно сиёсат ила ушбу муаммога ечим топди. Кўз ўнгимизда эртаклар ҳақиқатга айланди. Минглаб азиз инсонларнинг сарсон-саргардонлиги барҳам топди. Хароба баракалар, нураб бораётган кулбалар, зах босган ертўлалар, моғорлаган чордеворлар, гувалакли тирқишидан ночорлик увлаётган уйларнинг эшиги очилиб, шифтга термулиб ётган ногирон, меҳрга муҳтож одамлар хонадонига шафқат нури кириб борди. Деярли ҳар куни телевизор экранларида қўлларига янги уй-жой калитини олаётганларнинг бахтли чеҳраларини кўрдик. Уларга тантанали тарзда "Уй эгаси" деган ҳужжатлар топширилди.

Уй-жой, иссиқ макон, қуёш нурига тўла ёруғ хоналар, тоза сув, тўкин шароит, ҳаловатли ҳаёт учун калитларни биринчи бўлиб кимлар олди?

Калитларни кўмакка эҳтиёжманд қўллар қабул қилиб олдилар.

Калитларни аравачага ўтириб ҳаяжондан титраётган мажолсиз қўллар олдилар.

Калитларни боқувчисини йўқотган, тақдирнинг тош кўчасида "Энди қандай яшаймиз?", "Энди қаерга бош урамиз?" деб турган етимлар, якка-ёлғизлар олдилар. Уларнинг кўзларида севинч ёшларини кўриб, юрагида меҳр ҳисси бор инсон, ўзини тутиб тура олмайди. "Президентимиз бизга отамиз қилмаган яхшиликни қилди. Умрлари зиёда бўлсин!" дедилар улар. Минглаб ночорлар, беморлар, шикаста жонлар дуоси ижобат бўлгусидир.

Сергели тумани "Дарё бўйи" маҳалласида яшовчи Эльмира Бойматова 2008 йили автоҳалокатга учраб, оғир жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган. Ёлғиз қизини турмушга узатган Эльмира опа битта одам зўрға сиғадиган тор хонада, ҳеч қандай шароитларсиз яшаётган экан. Ишчи гуруҳи билан тумандаги оилаларга уйма-уй кириб аҳволни ўрганган Сергели тумани ҳокими ўринбосари Айгул Сатторова опанинг шароитини кўриб ҳайрон қолди. Чунки Эльмира Бойматова уй-жой сўраб мурожаат қилганлар рўйхатида йўқ эди. Сергели туман ҳокимлиги бу аёлни ҳам уй-жойга муҳтожлар рўйхатига қўшди. Ўша кундан патронаж ҳамширалар унинг ҳузурига қатнай бошлади.

— Менга уй-жой беришмаса керак, энди шундай шарт-шароитсиз харобада диққинафас бўлиб ўтиб кетсам керак, деб ўйловдим. 2019 йил май ойида бир қатор муҳтожлар қаторида менга ҳам уй-жой берилганда севинчдан ҳушимни йўқотдим. Одам хурсандчиликдан ҳам беҳуш бўлиб қолар экан, азизларим. Кўзимни очсам, қўлимда уйнинг ҳужжати. Кенг ва ёруғ уй. Катта хона, ошхона, ювиниш хонасида. Президент совғаси сифатида мана шу "Дарё бўйи"даги барча турар-жой билан бепул таъминланган муҳтожларга жиҳозлар олиб бердилар, – деди Эльмира Бойматова.

Эльмира опа билан хайрлашиб, текис ва озода йўлак бўйлаб маҳаллани айланамиз. Янги турар-жой олдида ранг-баранг гуллар чаман бўлиб очилиб ётибди.

– Бу ерда мана шу гўзал манзаранинг қадрига етадиганлар яшайди, – дейди ҳамроҳимиз, "Дарё бўйи" маҳалласи мутахассиси Раъно Чориева. – Маҳалламизда 6 минг 670 та аҳоли яшайди. Шулардан 3 минг 11 таси хотин-қизлар. Маҳалламиз қадимий маҳаллалардан. Аммо шу пайтгача бундай меҳр ва оқибатни ҳеч биримиз кўрмаганмиз.



Биз болаликдан иккинчи гуруҳ ногирони Дилафрўз Шокированинг шинам хонадонида бўлдик. Дилафрўзхон ва унинг ўн уч ёшли қизи Мадина яшайдиган бу хонадон ёғ тушса ялагудек.

– Дилафрўз бизнинг матонатли аёлларимиздан. Биз унга турар-жой бериш билан бирга чеварлик билан шуғулланиб оиласини тебратиши учун тикув машинаси совға қилдик. Давлат томонидан бериладиган ногиронлик пенсиясига қўшимча даромад ола бошлади. Бугун унинг мижозлари бор. Қолаверса, қизи Мадина ҳам бичиш-тикиш сирларини ўрганиб, онасига ёрдам бермоқда. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 2 февралдаги Фармонига кўра, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан оғир турмуш шароитидаги хотин-қизларга керакли моддий ёрдам ажратилди. 25 май куни туман ҳокимияти йиғилишлар залида Дилафрўзга ўхшаган ўн бир нафар аёлимизга тикув машиналари тарқатдик. Ўша куни 23 та муҳтож оилага музлатгичлар, 17 та кам таъминланган оилага кир ювиш машинаси, 16 оилага каравотлар, 11 нафар ногирон фуқарога юриш мосламалари улашдик. Хотин-қизларимизни бичиш-тикиш курсларида бепул ўқитдик. Бугунги кунда улар фарзандларига тикувчилик сирларини ўргатмоқда, – дейди Сергели тумани ҳокими ўринбосари Айгул Сатторова.

Ижарама-ижара саргардон бўлиб яшаган, 1994 йили бир хонали квартира олиб, шу уйда эри ва 6 нафар боласи билан оғир шароитда яшаган ва бугунги кунда уч хонали, дастлабки тўлови тўланган уй эгаси бўлган Тамара Амонова шундай дейди:

— Саккиз жон бир хонали квартирада яшадик. Тор ошхонага сиғмаганимизда навбати билан овқатланар эдик. Ювиниш ва ҳожатхона муаммосини айтмасак ҳам бўлади. Уйимизга меҳмон чақира олмасдик. Эримнинг топгани рўзғорга кетар, мен ишсиз эдим. Мана, Президентимиз бизга ҳам уч хонали уй берди. Туман ҳокимияти масъуллари мени 61-сонли оилавий поликлиникага, қизларимни "Корзинка" дўконига ишга жойлаштирди. Уйимизда битта ўн ёшли болам ишламайди, холос. Қолган ҳаммамиз ишлимиз. Энди бемалол уйда меҳмонларни ҳам, қизларимга келаётган совчиларни ҳам кута оламан.

2018 йил декабрь ойида Сергели тумани "Дарё бўйи" маҳалласидан 18 та, "Чоштепа" маҳалласидан эса 15 та турар-жой муҳтожларга бепул фойдаланиш учун берилди. 2019 йил май ойида эса 38 та турар-жой муҳтожларга совға қилинди.

2119 нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. 1477 нафари тиббий кўрикдан ўтказилиб, оғир турмуш шароитида яшаётганларнинг 229 нафарига даволаниш учун ордер берилди. 44 нафар ногирон хотин-қизга ногиронлик аравачаси, 13 тасига эшитиш, 11 тасига ҳаракат мосламалари берилди. 137 нафарининг уй-жой масаласи ижобий ҳал этилди. 265 нафар кам таъминланган хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Охирги 3 йилда туманда 19 минг 522 хонадонли 460 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. 26 та намунавий типдаги маҳалла гузарлари барпо этилди.

Куни кеча муҳтарам Президентимиз Сергели туманига ташрифи чоғида бир гуруҳ сергелилик нуронийлар ва фаоллар билан учрашдилар. Юртбошимиз шунча одамнинг фаровонлигини таъминлаш, бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадида, ушбу ҳудудда Тошкент шаҳар ҳокимлигига тўғридан-тўғри бўйсунадиган алоҳида "Янги ҳаёт" туманини ташкил этиш таклифини билдирди.

Пойтахт аҳолисига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини воситачиларсиз, арзон нархда етказиб бериш чоралари кўрилмоқда. Шу муносат билан Сергели тумани аҳолисини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш Қашқадарё вилояти фермерларига бириктирилган. Давлатимиз раҳбари "Янги ҳаёт" туманида жойлашган "Ташаббус" маҳалласи ҳудудидаги мана шундай савдо шохобчасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Сергели-5А мавзесидаги "Madena collection" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан ҳам танишди. Ушбу тикувчилик корхонасида тиббиёт ходимлари учун йилига 150 минг дона махсус кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада шу атрофда яшовчи 100 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили 21 майда Учтепа туманига ташрифи чоғида Тошкент шаҳри туманларида истироҳат боғлари ташкил этиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ, Сергели туманида умумий майдони 10 гектар бўлган "Flowers Garden Park" ташкил этилди. Шундан 5 гектари боғ, 5 гектари гул сотиш марказидир. Боққа 30 турдаги 6 мингдан зиёд манзарали дарахт ва 20 турдаги 60 мингдан зиёд бута олиб келинган. Аҳолининг кўнгилли дам олиши учун ресторан, савдо шохобчалари ташкил этилган. Туркиянинг "Natural peuzaj" ширкати билан ҳамкорликда бунёд этилган боғда 200 та иш ўрни очилди.

Бугунги кунда анвойи гуллар билан ўралган бу гулшанда яшаётганимдан фахрланаман. Мен бу мусаффо ҳаволи жойни жаннатга қиёслайман. Бу ерни қаттиқ яхши кўраман, чунки илҳом манбаидир бу муқаддас тупроқ. Ғурур билан дейман: Мен Сергелида яшайман!

**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# АДАБИЁТ ДАРЁСИ – ҲАЁТ ДАРЁСИ



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Ана шу дарё дарғаларининг "Адабиёт яшаса – миллат яшайди" деган ҳикматли сўзи нақадар ҳақиқат эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб келмоқда. Адабиётга, унинг ҳаётбахш қудратига бўлган ишонч ва эҳтиёж, айниқса, бугун долзарб аҳамият касб этмоқда.

Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимизда бугун бадиий адабиёт тарғиботи, китобхонликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари янгидан барпо этилган Адиблар хиёбони ва Тошкент тарихи музейининг очилишида бир гуруҳ ижодкор зиёлилар билан учрашиб, "Адабиёт – халқнинг юрагидир", дея таъкидлади. Адиблар хиёбонининг бугунги ниҳоятда нафис, гўзал ва айни пайтда муҳташам кўриниши давлатимизнинг миллий адабиётга бўлган муносабатининг ёрқин намунасидир. Мумтоз адабиётимизнинг улуғ вакиллари сиймоси бир гулшанга жамланиб, меъморчиликнинг бетакрор бадиий мажмуаси яратилгани ҳамда шу пайтгача эътибордан четда бўлган жадид адабиёти намояндаларига ҳайкал ўрнатилиши ижтимоий-маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Президентимизнинг Адиблар хиёбонидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Сирдарё вилоятига 6000 китоб" акциясини амалга оширди.

Ўзбекистон халқ шоири Миртемир Сирдарёни тараннум этиб, бу дарё тимсолида она диёримизнинг буюк тарихини тасвирлаган, она тилимизнинг бетакрор оҳангларини намоён этган:

**Сирдарё ўланлари,**
**Жарангла довон-довон,**
**Сирдарёдай тўлқинлан,**
**Қўшиғим – базаволим.**
**Сирдарё осмонида**
**Қанот ёз мисли тарлон,**
**Эй учағон хаёлим!**

Шеъриятнинг замонавийлиги, унинг одамлар учун ҳар доим кераклиги, халқ ҳаётининг ҳамма даврларида замонга ҳамнафас ва долзарблиги мана шундай умрбоқий шеърларда кўринади. Гўё устоз "Сирдарё" шеърида бугунги кунларни қаламга олгандек:

**Юртимнинг яшил кўрки,**
**Шавкати, баракаси –**
**Она дарё, кут дарё,**
**Сахий дарё, сут дарё,**
**Не дарёлар укаси,**
**Не дарёлар акаси,**
**Бахти мангу бут дарё.**



Адиблар хиёбонидан келган китоб карвонини Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби олдида вилоят ҳокимияти мутасаддилари, олий ва халқ таълими вазирликлари ходимлари ва бир гуруҳ ижодкор зиёлилар кутиб олди.

Тадбир Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева ҳайкалига гул қўйиш маросими билан бошланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишиб, бугунги кунда мамлакатимизда Президентимиз томонидан адабиёт, бадиий ижод ва китобхонликни ривожлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳақида гапирди. Зотан, "Ижод" жамоат фонди томонидан ёш китобхонларга ҳадя этилаётган кўп нусхада нашр этилган "Сайхун саболари" ва "Сирдарё мавжлари" китоблари Сирдарёда яшаб ижод қилаётган истеъдодли шоирлар, ёзувчиларнинг энг сара асарларидан таркиб топган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан биринчи китоблари чоп этилаётган ёш ижодкорлар орасида сирдарёлик истеъдодли ёшлар ҳам бор. Яқинда сирдарёлик уч нафар фаол ижодкор Аҳрор Байзиев, Аликул Хонимкулов, Абдуғани Абдураҳмонов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним, Миртемир домланинг назари тушган, Тўра Сулаймон ва Ҳалима Худойбердиева карвонбошилик қилган Сирдарё адабий муҳитининг адабиётимизни ривожлантиришдаги ўрни барчамизга яхши маълум.

Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари Отабек Носиров Адиблар хиёбонидан Сирдарёга келтирилган бебаҳо туҳфа – бадиий китоблар учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Ёзувчилар уюшмасининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева, Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, шоир Муҳаммад Исмоил, "Ижод" жамоат фонди ижрочи директори Шерзод Ирзоев ва бошқалар сўзга чиқиб, китоб мутолаасини ривожлантириш, ёшларнинг маънавий камолотини таъминлашнинг асосий омиллари ҳақидаги фикрларини баён қилди.

Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби ўқувчилари Севинч Саидова, Зулҳаё Мингбоева, Отабек Бурҳонов, Одина Йўлчиева, Гулбаҳор Ёрқинова Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга эҳтиром мавзусидаги шеърлардан намуналар ўқиди.

Тадбирда вилоятдаги 11та туманга китоблар тақсимланиб, "Дамас" русумли автомашиналар ўз манзиллари томон йўл олди. Энди бу китоблар ҳақиқий эгаларининг – мактаб ўқувчилари, ёш китобхонларнинг қўлига етиб боради.

**Рустам МУСУРМОН**
Суратларни Аҳмад Тўра олган.

# ИХЛОС ВА МЕҲР БИЛАН

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Хиёбондан ўрин олган ҳар бир сиймонинг ҳаёти ва ижодий фаолияти кенг қўламли ва серқирра бўлиши билан бирга, ибратли эканини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёки Муҳаммадризо Огаҳийни оламизми, Абдулла Орипов ёки Эркин Воҳидовни оламизми, уларнинг адабиётимизда, қалбимизда ўз ўрни бор. Улкан эъзоз ва эҳтиромга лойиқ бу адиблар келажак авлодлар томонидан кўп ва хўп ўрганилишга муносибдир. Бугунги ёшлар ушбу хиёбон тимсолида адабиётимиз ва тилимизга янада ихлос қўйишлари, глобаллашув даврида уни кейинги асрларга эсон-омон етказишлари ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, хиёбондан ўрин олган жадид маърифатпарвар адиблар Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпоннинг уйғоқ руҳи шунга даъват этади. Улар ўтган аср бошида, талотумли бир замонда миллатни уйғотиш учун мактаблар очдилар, оташин шеърлар, гўзал ҳикоя ва романлар битдилар. Ватан мустақиллиги, миллат озодлиги йўлида қатъий турдилар.

Ёшлар қалбига адабиётни чуқур сингдириш учун Президентимиз Адиблар хиёбонидаги ҳар бир шоир ва адиб ижодини пухта ўрганиш, тарғиб этиш, ҳайкаллар пойида мушоиралар, учрашулар ўтказиш вазифасини пойтахтдаги олий ўқув юртларига тақсимлаб бериш таклифини айтдилар. Шу маънода ҳам дастлабки қадамлар қўйилди. Билишимизча, Абдулла Авлоний ҳайкали Тошкент давлат педагогика университетига, Абдулла Қодирий ҳайкали Тошкент давлат техника университетига, Эркин Воҳидов ҳайкали Ўзбекистон Миллий университетига, Чўлпон ҳайкали ИИВ Академиясига, Бердақ ҳайкали Тошкент педиатрия тиббиёт институтига, Тўлепберган Қаипберганов ҳайкали Тошкент аграр университетига бириктирилди.

Мамнуният билан айтиш керакки, карантин шароитига қарамай, айни кунларда Адиблар хиёбони қизғин мушоиралар, маърифий дарслар ва учрашувлар ўтказилаётган табаррук масканга айланиб улгурди. Мана шундай тадбирларнинг бир нечтасида, жумладан, Тошкент шаҳар ҳарбий прокуратураси ходимлари, Ички ишлар вазирлиги Академияси тингловчилари, Тошкент техника университети ва Тошкент давлат педагогика университети устоз ва талабалари билан ўтказилган учрашувларда иштирок этиб, олимлар, шоир ва адибларнинг ҳар бир чиқишларидан унутилмас таассуротлар олдим.

Айниқса, олимларимизнинг маълум бир адиб ижодий фаолияти асносида бутун тарихимизни ёритиб бераётгани ёшларда катта таассурот қолдираётганининг гувоҳи бўлдим. Учрашувларда, асосан, навқирон авлод вакиллари иштирок этаётганини назарда тутсак, мамлакат маънавий-маърифий ҳаётида, миллат равнақида бу тадбирларнинг нечоғли муҳимлигини тушуниш қийин эмас.

Яна бир гап. Хиёбонда ўзбек адиблари билан бир сафда қорақалпоқ шоир ва адиблари Бердақ, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлепберган Қаипберганов ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг ҳайкалини ҳам кўрамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар Ўзбекистон фарзанди сифатида ижод қилиб ўтдилар. Уларнинг она Ватанимизни мадҳ этган кўплаб асарлари билан танишмиз, қолаверса, ўзбек адиб ва шоирлари билан елкама-елка туриб ижод қилганидан яхши хабардормиз. Айни кунда ҳам мамлакатимизда қорақалпоқ, шу билан бирга, тожик, қозоқ ва бошқа қардош адабиётлар ўзбек адабиёти билан бақамти ривожланаётир.

Адиблар хиёбонининг барпо этилишида давлатимиз раҳбарининг адабиётимизга улкан ихлоси ва меҳрини кўриб турибмиз. Бу эса ҳаммамизни адабиётимизнинг парвози янада юксалишига, демакки, мамлакат тараққиёти янада ривожланишига умидлантиради.

**Абдумажид АЗИМОВ**

# ЎТДАН ҲАМ, СУВДАН ҲАМ ИШҚТАЛАБ МЕНМАН

Эшқобил ШУКУР



## БОЛАЛИКДАГИ УЙ

Отамнинг қўллари қадоқ бўларди
Қават-қават қадоқ,
Қават-қават дард.
Отам шомда ҳориб ишдан қайтганда
Унинг қўлидаги қабариқларни
Эзғилаб ўйнашни яхши кўрардим.
Мен нодон... мен гўдак қайдан билардим
Отам дарди билан ўйнаганимни.

Кўзёшни кўп кўрдим онам кўзида.
Орзу, хавотирга тўла эдим мен.
Қўнғир Ер устида,
Мовий осмон остида
Ҳеч кимимиз йўқ эди Худодан бошқа.

Уфқ эшигида бир уй бор эди.
Шафақни томорқа қилган бир ҳовли...
Девори – дашту дала.
Дарвозаси – дашту дала.
Ҳовлимиз устида кўриб қолардим
Баъзан фаришталар учиб юрганин.

Тунда яккам-дуккам бўри уварди,
Чиқиб келар эди тўқайдан шамол,
Уч юз йилдан бери ялангоёқ кезган
Ғамгин зиёратчи дарвешдай гўё.
Сувнинг нафасини олиб келарди,
Бизнинг уйимизга бу қари дарвеш.

Саратонда салқин шамол кўзғалса,
Онам: “Фаришталар қанот қоқаяпти” дер эди.
Мезонда илк ёмғир томчилаганда
“Момонг йиғлаяпти” дер эди онам.

Опам китобларни яхши кўрарди,
Қизғалдоқни қаттиқ суярди синглим.
Мен эса кун бўйи дала кезишни –
Ўзимни кезишни яхши кўрардим.

* * *

Олис бир қишлоқда,
Овлоқ қишлоқда
Ёввойи кўркувни қўлга ўргатган
Одамларни кўрдим. Мардларни кўрдим.
Юрагини тўкин дастурхон қилган
Қашшоқларни кўрдим, дардларни кўрдим.
Кўзёш тўкиб турган буюк тоғларни,
Чинорларни кўрдим бобомдай суюк.
Топганин дунёга сочган боғларни,
Бағирларни кўрдим даштдай кенг... куюк...

Хуллас...
Булутлар, чақмоқлар зуғум қилар чоғ,
Саратон, қаҳратон қаҳр қилар чоғ.
Қўнғир Ер устида,
Мовий осмон остида
Ҳеч кимимиз йўқ эди Худодан бошқа.
Ҳеч кимимиз йўқ эди Худодан бошқа!

* * *

Мен қандай кечирим сўрайин сендан,
Не қилиб кўнглимни тўкай пойингга.
Шунчалар ҳам хафа эдингми мендан,
Ҳоли хилофимдан ранжлар райъингда.

Мангу уятдаман сенинг қошингда...
Мангу музликларни эритар зорим.
Не савдолар ўтди содда бошимдан,
Одам бўлолмадим, Парвардигорим.

Қанча олис кетди яқин юлдузлар,
Елларга совурдим туйғуларимни.
Жондай зирқирайди дилда илдизлар,
Ўзгага сотдимми қайғуларимни.

Ғамгин борадирман чақмоқ тиғида
Сўнган алангадай азми қарорим.
Лолман икки дунё оралиғида
Одам бўлолмасдан, Парвардигорим!

## «АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ОҲАНГЛАРИДА

Ётиб еса, тоғлар ҳам
Ода* бўлар, ёронлар,
Тўрт-беш қайпанг бирикса,
Пода бўлар, ёронлар,
Икки уруғ бирлашса,
Қуда бўлар, ёронлар.
Икки уруғ ўрлашса,
Ода бўлар, ёронлар.
Эл қуриса, ор-номус
Савдо бўлар, ёронлар.
Эл кўкарса, кўлмак ҳам
Дарё бўлар, ёронлар.
Ҳолин билмаган эсдан
Жудо бўлар, ёронлар.
Барига гувоҳ охир
Худо бўлар, ёронлар.

*Ода* – адо бўлиш, тугаш маъносида*

## БЎЗТЎРҒАЙ

*Мунглуғ бошим остидаги тошимниму дей,*
*Ё тош устидаги ғариб бошимниму дей?*
**Алишер Навоий**

Мағлуб бўри кўзларидай
кўзларимга бир қара,
Тўрда балиқ сўзларидай
сўзларимга бир қара.
Номард бўлиб юрмайин,
номард бўлиб ўлмайин,
Жон чиқар чоғ букилган
тизларимга бир қара.
Бу дунёни кезмишам,
боғу саҳро юрмишам,
Қизғалдоқдай қон сочган
изларимга бир қара.
Какликмидим ё тўти,
булбул даъво эмасман,
Бўзтўрғайдай саҳарлар
бўзларимга бир қара.
Бошимга қорлар ёғди,
сочимга зорлар ёзди,
Қишларим, баҳорларим,
кузларимга бир қара.
Мен аёз оташиман,
қаҳратон бардошиман
Ўчоғда лов-лов чўғдай
музларимга бир қара.
Бошим тош устидадир,
тошим бош устидадир,
Ё дўст, энди кўпимгамас,
озларимга бир қара.
Бедилдан бир чўғ олдим,
дилимга туташди ўт,
Бўзтўрғайдай саҳарлар
бўзларимга бир қара.

## ОРАМИЗДА

*Дўстлик дебон орага қўйган эдик Худони.*
“Алпомиш”дан

Беғубор кунларда,
Маъсум ойларда,
Бу дунёдан жуда олис жойларда
Дўст бўлдик орага қўйиб Худони.
Дўст бўлдик орага қўйиб Худони.

Сўнгра йиллар ўтиб бари ўзгарди,
Сендан бери, мендан нари ўзгарди,
Ҳар не бўлса, дунё сари ўзгарди,
Сўнгра йиллар ўтиб бари ўзгарди.

Орага гумонлар ораладилар,
Бир суюқ шайтонлар ораладилар.
Бир аччиқ шароблар тушди орага,
Бир кибор жаноблар тушди орага.
Бир гўзал хонимлар тушди орага,
Қаллоблар “жоним”лаб тушди орага.
Қанча ашқол-дашқол, қанча кесак-тош
Кирдилар орага: иккимиз – талош.

Не кирди... барчаси орада қолди,
Фақат орадаги Худо йўқолди.

* * *

Яна тоғ ортида қорайди оқшом...
Яна мунгли ойдай мунғайди қайғу...
Энди ёлғон ёзмак қўлимдан келмас...

Яна ҳасрат билан чопиб ўтди сув...
Яна ёнгинамда оҳ чекди шамол...
Энди ёлғон ёзмак қўлимдан келмас...

Яна гулхан ёқди кимдир олисда...
Яна чап кўксимда йиғлади кимдир...
Энди ёлғон ёзмак қўлимдан келмас...

* * *

Оқшом чўкаётган олтин лаҳзалар
Мағрибда бир юлдуз милтираган чоғ,
Оят тинглагандай барча нарсалар
Шомнинг ҳасратига тутганда қулоқ.
Аста кўзларимга чўка бошлар мунг,
Кўксимга қадалиб турар бир ханжар.
Руҳимда Ҳасратни уйғотади тун,
Муқим бир ҳолимда кўнглим дарбадар.
Шодон бир қўшиқлар бошлай олмайман,
Кипригимга тизиб тоши кадарни...
Найлайки, суғуриб ташлай олмайман
Кўксимга урилган сирли ханжарни.

## «НАСОЙИМ УЛ МУҲАББАТ»ДА САЙР

*Туркумдан*

### АБУЛҲУСАЙН ИБН БУННОН

То жисму жонимға ўт қалабдурлар,
Ўтдан ҳам, сувдан ҳам ишқталаб менман.
Барча эл саҳрода ташналабдурлар,
Дарё қирғоғида ташналаб менман.

### ЙЎЛГА АЙЛАНГАН ОДАМ

Абу Абдуллоҳ Динаварий узоқ йўл босди.
Бир ушоқ тотмасдан ойлаб юрди у.
Тошларни қавартди яланг товонлар.
Чақиртиканларни қон-ла гуллатди
чағир оёқлар.
Йўл юрди, йўл юрса ҳам мўл юрди
Абу Абдуллоҳ.
Йўл юравериб, охири ўзи ҳам бир йўлга
айланиб қолди.
Ва ниҳоят бу ғаройиб йўл
Водил Қуродаги бир масжидгача
жилғадай оқиб борди.
Очликдан мадори қуриган Абу Абдуллох
Зўрға оёғида масжидга кирди.
Уни абгор кўрган кибор одамлар
Кимсан ҳам демадилар,
егулик ҳам бермадилар.
Шу кеча очликдан ўлди Абу Абдуллоҳ.
Эртаси масжидга келганлар уни кафанлаб
дафн қилдилар.
Индини масжидга келганлар кўрдиларки,
Кафан қабрдан чиқариб ташланган эди.
Меҳробга чирмағлиқ осилиб турарди
Мағлуб байроғидай эгилган кафан.
Бир парча қоғозда бир ёзув қолмиш
меҳроб пойида:
“Бизнинг бир дўстимиз сизга меҳмон бўлди,
егулик бермай ани очлиғдин ўлтурдингиз,
сизнинг кафанингиз керакмас.”
Шундай ўтган эди Абу Абдуллоҳ.
Ундан масжидгача борган Йўл қолди.
Кейин одамлар масжидга шу йўлдан
кела бошладилар.

### ОЧИЛМАГАН РЎЗА

Азалда дунё ноз-неъмат билан тўлдирилди.
Дарё-дарё неъмат, дала-дала ризқ.
Лекин қорни тўқ, кўзи оч бандалар
Тўймадилар. Талашдилар. Қўймадилар.
Энг тотли таомлар, энг ширин шарбатлар,
энг лазиз лаззатлар...
Барчаси берилди ёмғир каби сероб,
нур каби бисёр.
Лекин тўймадилар. Талашдилар. Қўймадилар.
Улуғлар уялди инсон ҳолидан.
Ризқнинг уволидан. Ор заволидан.
Шу очкўзлар орасида, тўққоринлар орасида
Абу Бакр ал-Аскоф ўттиз йил рўза тутди.
Ўттиз йил!
Жон берар чоғида оғзига сувли пахта
тутганларида
заиф қўллар билан бирдан қайтарди.
Ичмади, ҳаттоки ютинмади ҳам.
Пахтага шимилган шу сувни ҳам у
Ичинг деб қолдирди тўймаганларга.
Абу Бакр ал-Аскоф ўттиз йил рўза тутиб,
Бу дунёдан кетди рўза ҳолида.

### ХУШТАБИАТЛИК ШАЙХ АБУ ЗУРЪА РОЗИЙ

Кўп хуштаъб эдилар Шайх Абу Зуръа,
Чеҳрасида доим қуёш куларди.
У дўсту душманга тортинмай зарра
Иссиқ табассумлар ҳадя қиларди.

Ундан сўрадилар: Нечун ҳаммага
Яхши ҳам ёмонга яхшилик қилгунг?
Шундай бўлиш мумкинми бутун оммага
Барчага баравар севгинг ва кулгунг?

Шайх деди: Ҳар кимга ҳар хил ҳол эмиш,
Кўнглим нурга тўлган бир соям йўқдур.
Очиқ юз, очиқ дил безавол эмиш,
Менинг мундин ўзга сармоям йўқдур.

---

# ЛОНГ

Луқмон БЎРИХОН



ҲИКОЯ

– Қадим-қадимдан удум шу, элга бирор дард дориса, оти айтилмайди, лонг оралади, деб қўйишади. Чунки у отини эшитса, баттар кучаяр экан.

Уч кун аввал хотини айтган шу гап Сафармурод оқсоқолнинг туйқус хаёлидан кечди.

“Жуда топиб гапирди-да, – деб ўйлади у мийиғида кулиб, – айтганлари чин”.

Тошбиби чеча ҳорғин ва эзгин аҳволда эшикдан кириб келган, бир пайтлар довруқли чавандоз бўлгани бўйи-бастидан, лапанглаб қадам ташлашларидан билиниб турган эрига пешвоз юрди.

– Кўп югуряпсиз, чарчаяпсиз, боваси, – деди у безовталаниб.

Оқсоқол худди ўзига ўзи гапиргандай минғирлади.

– Лонг кучайиб бораяпти. Бугундан ҳамма қатновлар тўхтатилди. Ҳеч ким ҳеч ёққа чиқмайди. Лонг ёмон, момоси, лонг ёмон.

– Зарурат бўлганки, шундай чора қўллашган.

– Ночор оилалар бор, улар қандай кун кўради энди?

– Давлат қарашар-да.

– Қарашади, – деди Сафармурод иштаҳасиз нон чайнаркан, – лекин қишлоғингга қачон сон тегади, Худо билади. Бу ёғи, ҳокимиятдан бизга ёрдам қани деб сўрай олмайман, то ўзларидан бирор гап чиққунича. Чунки, кўриб турибсан, аҳвол анча оғир, бундай пайтда ҳукуматни безовта қилишга ҳам бетим чидамайди. Лекин ночор рўзғорларнинг ҳолига бепарво қарашга ҳам ҳақим йўқ. Эҳ, лонг ёмон, момоси, лонг ёмон.

– Нима қилмоқчисиз унда?

– Билмадим, бошим қотиб қолди.

– Қишлоқдаги жонлироқ одамларни ҳимматга чақирсангиз-чи.

– Бунинг учун аввал ўзим ибрат кўрсатишим керак, – деди Сафармурод овқатдан бўшаган косани нари суриб. – Кейин биров-яримни ҳимматга чақирсам бўлади.

– Сизнинг қўлингиз калталик қилади.

– Мен... бир хаёлга бориб турибман.

Тошбиби чеча сергакланди.

– Хай, гапиринг-чи.

– Кенжанинг тўйига деб йиғиб қўйганимиздан оз-моз эҳсон қилсак, – деди Сафармурод минг бир истиҳола билан, – барибир энди кузгача келин ололмайсан.

Тошбиби чеча дастурхон попугини хаёлчан ўйнаганича минғирлади.

– Йиғлаганга қўшилиб йиғлашингиз ҳеч қолмади-да, боваси. Уч-тўрт чақангиз қанчага ҳам етарди.

– Э-э, – дадил қўл силтади эр, хотини осонгина бўшашганидан қувониб, – ҳаммасига эмас, энг ночор бир-икки хонадонга ёрдам бериб турамиз. Эҳ, лонг ёмон, момоси, лонг ёмон.

Оқсоқол хотини яна айниб қолишидан қўрққандай шоша-пиша ўрнидан турди.

* * *

Бир қоп ун, бир идиш ёғ, тағин аллақанча майда-чуйда маҳсулотлар ташлаб кетганини кўрган домла Хуррамович ўғри мушукдай пойлаб мулла Мирзанинг ҳовлисига кирди.

– Ассалўўм, яхшилар!

Келтирилган нарсаларни мамнун кўздан кечираётан жиккаккина чол бўсағада темир тишларини кўрсатиб иржайиб турган, бутун туману вилоятда аризабозлиги билан ном қозонган қўшнисини кўриб энсаси қотди.

– Келинг, ҳамсоя.

– Вақтинча қўл бериб кўришмаймиз, ҳозир тартиб-қоида шундай, – деди домла ўзининг интизомли фуқаро эканини таъкидламоқчидай, – хапа бўмайсиз, мулла бува.

– Яхши қиласиз, эсам, яна қўл ювишим керак бўлади, – деди қария ҳам бўш келмай.

Домла Хуррамович маҳсулотларга ишора қилди.

– Булар нима-ей...?

– Ночорларга ёрдам экан, барака топсин, Сапарбой ташлаб кетди, тувриси, сал қийналиб тургандик ўзи.

– Буни қаёқдан олибди оқсоқол?

– Билмадим, суриштирмадим, юртбошимизнинг, халқнинг ҳақига дуо қилиб қўйинг, балолар тезроқ арисин деди.

– Демак, бу давлатнинг ёрдами, – дея Хуррамович ўзича мулоҳаза юритди. – Ҳукумат танг пайтда ночорлар учун катта маблағ ажратган, кеча ҳокимият жойларга тарқатган, Сапарбой ҳам улуш олган.

– Хай, бўлса бордир, юртбошимизга, ҳукуматимизга минг раҳмат!

Домла Хуррамович пихиллаб кулди.

– Жуда гўлсиз-да, мулла бува, гўлсиз. Сизни лақиллатиб кетибдию, Сапарингиз.

– Бу нима деганингиз?

– Сизга бундан уч карра кўп нарса бериши керак эди. Алдабди. Ҳаммага шунчагинадан тарқатиб чиқиб, қолганини ўзи ўзлаштирмоқчи у.

Мулла Мирза гўнг пашшани ҳайдагандай қўл силтади.

– Қўйинг бу гапларни, сизга ярашмайди, ҳамсоя. Берганига, етказганига шукр!

– Хай, ўзингиз биласиз, лекин биз бу масала билан шуғулланамиз, ҳақиқатни жойига қўямиз.

Домла Хуррамович димоғида пишқирган қўйи чиқиб кетди.

* * *

Кечга яқин уйига қайтган оқсоқолни Тошбиби чеча андак зарда билан кутиб олди.

– Ашир билан Сайпига ҳам айтганингиздай қилиб бериб юбордим, – деди у даҳлизга кўрпача тўшар экан.

Оқсоқол ўзини оқлай бошлади.

– Лоп этиб иккови олдимдан чиқиб қолди, ноилож жўнатдим.

– Нега ноилож бўласиз? Отангиздан қолган хазина борми бу ерда, – дея баттар тутоқди аёл. – Мулла Мирзага ўзим эҳсон қилдим, деп туврисини айтсангиз бўлмасмиди?

– Туврасини айтсам, эҳсон риёга айланиб қолади деб қўрқдим. Кейин, барибир улар гапимга ишонишмасди, раҳбарларга арз қилишарди.

– Арз қилса, қилавершсин, раҳбарлар ҳам тўғри тушунар.

– Момоси, – Сафармурод хотинига илтижоли тикилди, – ҳозир ҳукуматни ҳар хил шикоятлар билан чалғитмаслик керак, қўлдан келганича оғир вазиятни енгил қилайлик, лонг ёмон, момоси, лонг ёмон.

Тошбиби чечанинг барибир чеҳраси ёришмади.

– Ўзингиздан кўринг, энди қутула олмайсиз булардан, тўп-тўп бўлиб келишаверади. Қолқонип муаллимга, Эргаш акага деб атаб қўйганларингизни ановиларга бериб юбордим. Энди бу ёғига нима қиласиз, ўзингиз биласиз.

Худди шу гапни кутиб тургандай дарвоза ёнида домла Хуррамович кўринди.

– Ассалўўўм, яхшилар! Ким бор?

Сафармурод истар-истамас унга пешвоз чиқди.

– Нима гап, домилла, уйда ўтирмай, нима қилиб юрибсиз? Лонг ёмон.

Хуррамович оғиз-бурнига тутган ниқобни иягига тушириб қўйди.

– Мен ҳам улуш олгани келдим. Жўжабирдай жонмиз.

– Сизга улуш йўқ.

– Нега?

– Бир кўра молингиз бор, катта томорқангиз бор, уялмайсизми, кўмак сўрашга?

– Раис, – дея хезланди домла, – мен сиздан бирор нима тиланиб келганим йўқ, ҳукуматимизнинг қонуний ёрдамини сўраяпман.

– Кимга нима берган бўлсам, ўз ҳисобимдан чиқим қилдим, – деб дангалига кўчиб қўя қолди оқсоқол.

Хуррамович унга бир зум синовчан – саволчан қараб турди.

– Тушунарли, демак, ҳукумат маблағларига ҳам эгасиз, яхши, буни бир суриштириб кўрамиз.

– Домилла, уйингизга боринг, бу ерда кўп турманг, лонг ёмон.

Хуррамович нописанд тиржайиб ташқарига чиқиб кетди.

Сафармурод унинг ортидан хомуш қараб қоларкан, қорачиқлари бир зум хира тортганини, юрагида, орқа кураги остларида қандайдир санчиқ турганини сезди. Шу оғриқ, беҳоллик кечки таом пайти ҳам, кейин телевизорга паришон тикилиб ўтирган чоғи ҳам тарк этмади.

– Момоси, бугун сал эртароқ чўзилай, – деди у ичкари хона томон жўнаркан.

Шу пайт қўл телефони жиринглаб қолди. Оқсоқол истар-истамас телефон экранига кўз ташлади. Ташладию туман ҳокими ўринбосарининг исм-шарифига кўзи тушиб шоша-пиша қулоғига тутди.

– Алё, ассалому...

Сафармуроднинг саломи ҳам оғзида қолди.

– Эй раис, қанақа одамсиз ўзи, – ногоҳ қаҳру ғазаб сочилди нариги тарафдан, – нега халқ орасида ваҳима кўзғаб юрибсиз?! Тафсилотларни саҳарлаб бориб аниқлаштираман! Лекин сиз эгаллаб турган жойингизга нолойиқсиз.

– Мен ҳалиги...

Сафармурод гапиришга улгурмади. Алоқа узилди. Даҳлиз ўртасида қаққайиб турган оқсоқолнинг қўлидан телефон аппарати тушиб кетди. Ўзи кўксини чангаллаган қўйи деворга аранг суяниб қолди. Сўнг сирғалганича кўрпача устига қулади.

* * *

У ғира-шира ҳушига келди. Юмшоқ тўшак устида ётганини, қўлига томчи дори мосламаси уланганини сезди. Аммо қабоқлари шу қадар оғир эдики, харчанд уринса ҳам кўзларини очолмади. Қулоғига элас-элас товушлар эшитилди.

“Оқсоқолнинг тоби қочиб қолганини айтдим, тушунтирдим”. Бу овоз аёлиники эди.

“Бўлди, қишлоққа ажратилган ёрдамни ўзим опкеламан”. Бу участка милиция нозирининг товуши эди.

Яна аёлининг шикаста саси эшитилди:

“Анови дарвоза ортида турган ҳамқишлоқларни уй-уйига жўнатиб юборинг, илтимос, касал кўрамиз деб эртадан бери туришибди, менинг гапимга кўнишмаяпти”.

“Бўлди, ҳозир ҳал қиламан”.

Қадам товушларига қараганда участкавой чиқиб кетди.

Сафармурод билагига қадалган игнани кимдир суғуриб олганини сезди. Бир амаллаб қовоқларини кўтарди. Оқ қалпоқ, оқ либос кийган шифокорни ғира-шира илғади. Шифокор ҳам беморнинг кўз очганини пайқади.

– Э-э, раис бува, – деди у жилмайиб, – шундай қилинг-е, жуда қўрқитиб юбордингиз одамни.

Тошбиби чеча илкис интилиб эрининг тепасига энгашди. Кўзларида ғилт-ғилт ёш айланарди.

– Боваси... – деди аранг.

– Қаердаман, – пичирлади Сафармурод қуруқшоқ лабларини ялаб.

– Уйдасиз, боваси, уйдасиз. Марказдан дўхтир келган, Нормурод дўхтир. Кечадан бери бошингизда дори бериб ўтирибди.

– Мен ҳам анови... лонгга чалиндимми?

– Э-э, Худо сақласин, – деди Нормурод дўхтир беморнинг бошига энгашиб. – Куну тун тинмайсиз, бироз толиқибсиз, инсультни оёқда ўтказиб юборибсиз.

– Инсульт дейсизми?

Тошбиби чеча шоша-пиша шифокорни қўллаб-қувватлади:

– Ҳа, шундай, боваси, оёқда ўтказиб юборибсиз, дам олинг десак гапга кирмайсиз.

– Инсульт бўлса, яхши, Худога шукр, – мамнун пичирлади Сафармурод оқсоқол. – Лонг ёмон, момоси, лонг ёмон.

Унинг юзларига ранг, лабларига табассум югургандай бўлди.

# ЎЗБЕК ТИЛИ: дунё сари юзланиб

**Маълумотларга кўра, дунёда инсонлар сўзлашадиган 8 минг тилдан бугунги кунда 6 мингтаси сақланиб қолган. Шундан 90 фоизи кенг миқёсда фойдаланилмайди.**

Ўзбекистон — кўп миллатли давлат. Мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Юртимиз аҳолисининг 80 фоиздан ортиғи ўзбек тилида сўзлашади. Шунингдек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз, туркман, рус ва бошқа тилларда сўзлашувчи ватандошларимиз ҳам бор. Бугунги кунда уларнинг ўзаро тинч-тотув яшаши, она тилини сақлаб қолиши ва ривожлантириши учун барча имкониятлар яратилган.

Қайд этиш керак, она тилимиз — ўзбек тили туркий тиллар оиласига мансуб энг йирик тиллардан биридир. Дунё бўйича 50 миллионга яқин киши шу тилда сўзлашади.

Мустабид тузум даврида миллат руҳи, ғурури бўлмиш ўзбек тилининг аҳамиятини сусайтиришга қаратилган уринишлар бўлди. Шунга қарамасдан халқимиз ўз она тилини сақлаб қолди. 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган «Давлат тили тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинди.

Ушбу қонун билан ўзбек тили давлат тили мақомини олган бўлса-да, мамлакатимизда яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилида сўзлашиш ҳуқуқи Конституция билан мустаҳкамланган. Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Бу юртимизда миллатлараро ҳамжиҳатлик, дўстлик ва биродарлик руҳи устуворлигини англатади.

Ушбу тарихий санадан ўттиз йил ўтиб бу борада яна бир қутлуғ қадам қўйилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2019 йил 21 октябрь куни «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Унга биноан 21 октябрь юртимизда «Ўзбек тили байрами куни» деб эълон қилинди. Ушбу эзгу ғояни она тилимиз фидойилари, бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди.

Бундан ташқари ҳар бир вазирлик ва ташкилотларда давлат тили масалалари бўйича алоҳида маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Улар маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонунга риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича жавобгар ҳисобланади.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, турли халқаро анжуман ва конференцияларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш, уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этилмоқда.

Хусусан, ўзбек тилининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш борасида Ташқи ишлар вазирлиги олдига ҳам қатор вазифалар қўйилган.

Бугун ушбу вазифалар ижроси доирасида халқаро майдонда ўзбек тили ва адабиётини тарғиб этиш чоралари амалга оширилмоқда. Хусусан, 50 дан ортиқ дипломатик ваколатхоналаримиз хорижда «Ўзбек тили дўстлари» клубларини ташкил этиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Мазкур клубларда ўзбек тилини ўрганишни хоҳловчи чет элликлар қамраб олинмоқда. Айни пайтда ушбу клублар фаолиятини янада такомиллаштириш ва ўқувчилар сонини ошириш бўйича тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг чел элдаги дипломатик ваколатхоналари кўмагида ўзбек халқининг миллий анъаналари, урф-одат ва байрамлари, буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Мозори Шариф шаҳридаги консулхонаси томонидан Афғонистонда ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш ва уни тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, Афғонистонда ҳам ўзбек миллатига мансуб кўп сонли аҳоли истиқомат қилади. Улар ўз она тилларини сақлаб қолиш истагида. Шу боис консулхона томонидан ўзбек тили ва адабиётига бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида консулхона Балх, Фарёб, Жузжон, Бағлон, Таҳор, Сарипул ҳудудларидаги олий таълим муассасаларидаги филология факультетлари қошида ташкил этилган ўзбек тили ва адабиёти кафедралари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатди.

Ҳамкорликда ўзбек тили ва адабиёти бўйича ўқитувчи –мутахассисларни тайёрлаш учун зарур дарсликлар, методик қўлланмалар, машҳур ўзбек адиблари ва шоирларининг асарлари (китоб шаклида ва электрон кўринишда), жами 400 га яқин адабиёт давлатимиз номидан уларга тақдим этилди.

Балх, Самангон, Жузжон ва Фарёб вилоятларидаги кам таъминланган афғонистонлик ўзбек ўқувчиларига эса лотин графикасига асосланган ўзбек тилида чоп этилган 1 минг 595 та болалар адабиётига оид китоб, 748 та дарслик тарқатилди.

Шу билан бирга, консулхона томонидан “Ридо” радиостанциясининг ўзбек тилидаги эшиттиришларини шимолий Афғонистоннинг ўзбеклар яшайдиган Таҳор ва Қундуз вилоятларига узатиш бўйича келишувга эришилди.

Мазкур радиостанция ўз тўлқинларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ўзбек халқининг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари ва диний-маърифий қадриятларига оид туркум эшиттиришларни бериб келмоқда.

Айни пайтда Балх, Таҳор, Жузжон ва Фарёб давлат университетлари ҳузурида фаолият олиб бораётган ўзбек тили ва адабиёти кафедралари мамлакатимиз консулхонаси томонидан тақдим этилган ўзбек тили ва адабиёти дарсликлари ҳамда буюк ўзбек адиблари асарлари асосида ўзбек миллий адабиёти кутубхонасини ташкил этиш тараддудида.

Шу билан бирга, консулхона жорий йилда ўзбек адабиётининг ёркин намояндалари Фитрат, Чўлпон, А.Қодирий, А.Соғуний, Ойбек, А.Орипов, Э.Воҳидов ҳамда бошқа адиблар қаламига мансуб асарларни араб графикасига асосланган эски ўзбек ёзувига ўгириш бўйича иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислом Республикасидаги элчихонаси томонидан ҳам ўзбек тилини кенг тарғиб қилиш мақсадида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Жумладан, “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида қўлланилишини кенгайтириш, ривожлантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича 2019-2020 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури” ижросини таъминлаш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Таъкидлаш жоиз, Покистонда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонлар, ўзбек тили ва адабиёти ихлосмандлари билан она тилимизнинг халқаро нуфузи, жозибадорлиги ва имкониятлари ҳақида суҳбатлар элчихона томонидан мунтазам ташкил этилиб, Покистон оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилмоқда.

Жорий йилда буюк аллома, мутафаккир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунига бағишлаб “Ўзбекистон покистонлик болалар нигоҳида” кўрик-танлови муваффақиятли ўтказилди. Мазкур танлов ёш покистонликлар ўртасида нафақат катта қизиқиш уйғотди, балки улар Ўзбекистон ҳақида китоб ва журналлар, интернет саҳифалари ва оммавий ахборот воситалари орқали изланишга, танлов сабаб бизнинг урф-одат ва маданиятимиз, меъморий обидаларимиз, тарихимиз ҳақида кенг тасаввурга эга бўлди. Унда Покистоннинг деярли барча йирик шаҳарларидан юздан ортиқ ёшлар иштирок этди. Шунингдек, элчихона қошида “Ўзбек тили ва тарихи” тўгараги фаолият юритиб келмоқда. Тўгарак фаолияти орқали чет давлатда улғаяётган Ўзбекистон ёшларида Ватанга бўлган муҳаббат, ғурур ва ифтихор, ўзбек тилига бўлган ҳурмат ва садоқатни янада мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Она тилимизнинг нуфузини халқаро майдонда ошириш борасида мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси томонидан ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Мазкур вазифалар ижроси доирасида Туркиянинг “Турк тили ташкилоти” (Turk Dil Kurumu) ҳомийлигида ўзбекистонлик бахши Эргаш Жуманбулбул ўғлининг “Далли” достони турк ва ўзбек тилларида чоп этилди. Ўзбек халқининг қадим тарихидан сўзлагувчи ушбу китоб Анқара кутубхоналари ва олий таълим муассасаларига тарқатилди. Достон фольклоршунос олим Жаббор Эшонқул томонидан нашрга тайёрланган. Достонни турк тилига анқаралик мутахассис Дилек Сезар таржима қилган. Икки тилда чоп этилган мазкур ўзбек халқ достони туркиялик китобхонлар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Ўзбек тилини тадқиқ этиш ва ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни давом эттириш мақсадида қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистондаги элчихонаси ҳам ўз фаолиятини ўзбек тили ва адабиётини хорижда кенг тарғиб қилиш асосида ташкил этиб келмоқда. Хусусан, ўзбек ва қорақалпоқ этномаданий марказлари билан ҳамкорликда Л.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университетида ўзбек тилининг замонавий ривожланишига бағишланган халқаро анжуман ўтказилгани ҳам фикримизга мисолдир. Ушбу тадбир қўшни мамлакатда яшайдиган ўзбек тилида сўзлашувчи аҳоли томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Анжуман доирасида элчихона кўмагида ушбу олий ўқув юрти қошида «Ўзбек тили дўстлари» клуби ўз фаолиятини бошлагани эълон қилинди.

– Ўзбек тили ва адабиётининг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, халқаро нуфузи жуда юқори, – дейди Қозоғистон халқлари Ассамблеяси раиси ўринбосари Ш.Пўлатов. – Университетда ташкил этилган «Ўзбек тили дўстлари» клуби мамлакат ёшлари ўртасида ўзбек тилини янада чуқур ўргатишга хизмат қилади.

Л.Гумилев номидаги Евроосиё миллий университети раҳбарияти клубнинг ушбу университетда ташкил этилгани улар учун катта шараф эканини қайд этди.

Мухтасар айтганда, истиқлол йилларида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши орқали халқимиз руҳи ва ўзлиги тикланди. Бугун эса ўзлигини таниган халқ тили халқаро майдондаараннум этиладиган бекиёс кучга айланди. Мамлакатимизда сўнгги уч йилда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида эса ўзбек тилининг ўрни ва нуфузи тобора ортиб, дунё сари юзланди.

**Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,**
**“Дунё” АА**

# ЎЗБЕК АДИБИНИНГ БЕЛАРУСДАГИ ЭЪТИРОФИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан Беларус Республикасида ижодий сафарда бўлиб қайтган таниқли адиб Қўчқор Норқобил қатор очерк ва эсселар ёзиб, мамлакатимиздаги нуфузли нашр ва сайтларда эълон қилган эди.**

Айниқса, адибнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигига бағишланган асарлари беларус халқи томонидан илиқ кутиб олинди.

– Ўзбек ёзувчиси Қўчқор Норқобилнинг Беларус заминига қилган ижодий сафари бизни жуда мамнун этди, – дейди Беларус Республикаси ахборот вазири Алес Карлюкевич. – У Минск шаҳрига келгач, ўша куннинг ўзида «Уруш музейида» деган шеър ёзди. Шеър рус ва беларус тилига шу куниёқ таржима қилиниб, бизнинг бир қанча нуфузли нашрларимизда чоп этилди, шунингдек, «Беларус» журналида адиб ижоди ҳақида рус, инглиз ва хитой тилида мақола берилди. Адибнинг сафар давомида ёзган ва нашрларимизда босилган ҳикоя ва очеркларини, очиғи, кўзда ёш билан ўқидим, айниқса, Брест қалъаси ва Пуховичи туманига қилган сафар таассуротлари жуда кўплаб беларус ўқувчилари қалбига ҳаяжон солди. Айни кунларда Қўчқор Норқобилнинг қисса ва ҳикоялари жамланган китоб беларус тилида босмадан чиқиш арафасида. Адабий алоқаларимизнинг янада ривож топиши ҳамда ўзбек ва беларус халқлари орасида биродарлик ришталарининг мустаҳкамланишида бундай асарларнинг аҳамияти жуда чексиз. Яқинда Беларусда нашрдан чиққан «Пуховишина Беларус адабиёти ўзаги» деб номланган китобда ҳам ўзбек адибининг адабий ҳамкорлик борасида қўшаётган ҳиссаси алоҳида эътироф этилган.




**ЎзА**

# БУГУН ПУШКИННИ КИМ ЎҚИЙДИ



*Бугун Пушкин ва унинг адабий меросига муносабат турлича. Шундай бўлиши табиийдек гўё. Мен бир таржимоннинг Пушкиндан таржималарини ўқиш жараёнида у айтган бир гапни кўп эсладим. Таржимон қўлёзмаларни бир нашриётга таклиф этганда, ношир: “Бугун Пушкинни ким ўқийди”, деган. Бу савол эмас, балки ўша ноширнинг таржимон таклифига жавоби, бироқ ўйлатадиган жавоб.*

Гап Пушкиндан қилинган таржималарнинг китоб бўлиб чиқишида ҳам эмас – Пушкинга муносабатда. Ўша ноширнинг гапи Байрон, Гёте ёки бошқа мумтоз шоирлар ва уларнинг ижодий меросига нисбатан айтилса ҳам унчалик ажабланмасак керак. Ахир, XXI асрнинг қарийб чорагини яшаб қўйган одамлармиз, жуда кўп нарсалардан хабаримиз бор, йўқларини электрон воситалар йўндириб турибди – гўё одамзод ҳамма нарсага эришган, муроду мақсадига етгандек... Хўш, унга яна нима керак?! Пушкин керакми?..

Керак! (Гарчи замондошимиз ўзидаги поэзияга эҳтиёжни инобатга олмаётган, балки англаб етмаётган бўлса-да.) Бу эҳтиёжга мувофиқ, дейлик, рақамли дунё соҳиблари саналмиш бугунги авлодлар учун Пушкин қайси жиҳатларига кўра муҳим?

* * *

Пушкин – ғурури баланд, ёвқур, танти ва қувноқ шоир. Бу хислатлар унга халқидан юққан. Пушкин тез ва жуда қаттиқ севиб қоладиган жўшқин қалб соҳиби. Бу ҳам унинг халқига хос хислат. Унинг маҳбубаси – озодлик, эрк. (Унинг бунга умрбод содиқ қолгани ҳайратланарли.) Рус халқи барча замонларда ҳур, озод яшаш учун курашиб келган. Пушкин миллий шоир сифатида халқи руҳини, орзу-умидларини ўзида мужассам этган сиймо. У ҳақда гапирганда руслар бежиз: “Пушкин бизнинг боримиз!” дейишмайди.

* * *

Башорат қилишга мойил Гоголь: “Пушкин фавқулодда ҳодисадир ва, эҳтимол, рус руҳиятининг ягона ҳодисаси” дея таъриф бераркан, унинг даражасидаги, унингдек рус кишиси, балки, икки юз йилдан кейин кўриниш берар, деб умид қилганди. Ҳа, Пушкин шахси ва шеърияти билан, мана, икки юз йилдан кейин ҳам ҳайратга солиб келаётир.

Хўш, бу ҳайратнинг сири нимада? Унинг замирида қандай мазмун мужассам? Бир мисол. Пушкиннинг “Капитан қизи” повестининг кўплик ўқиган, “Пугачёв тарихи”дан хабари борлар ҳам топилади. Аммо айтиш жоизки, Пугачёв мавзуси Пушкин замонида калтис мавзу ҳисобланган. Мустабид тузум расман “зулмкор”, “қароқчи” тамғасини босган, подшоликка қарши бош кўтарган бу исёнчини Державин, Сумароков каби салафлари кескин қоралаб, расмий сиёсатта мувофиқ тарзда лаънатлаб ёзган шеърларини Пушкин қабул қилмаган. Айнан Пугачёв масаласида у ўз даврининг расмий-сиёсий ҳукмини ҳам, ўзи устоз қаторида кўрган катта шоирларнинг исёнчига ўта салбий қарашларини ҳам маъқулламаган. Бунга далил сифатида пушкиншунослар талай фикрларни келтиришади. Жумладан, А.Делвигга хатида атоқли шоир саналган Державин даҳосини саркарда Суворов даҳоси билан қиёслаш мумкинлигини айта туриб, Пушкин: афсуски “шоир (Державин) тез-тез хўроз бўлиб қичқирди”, деб ёзади. Бундай фактларни яна келтириш мумкин. Бироқ улардан Пушкин Пугачёв ва унинг исёнини ёқлаган, деган хулосага келиш ўринсиз. Ўша даврдаги мустабид тузумнинг зулм-зўравонлиги қўзғолонга олиб келганини шоир яхши билган. Пугачёвнинг ўзига келганда эса, айтиш кераккки, зулмга қарши чиққан бу исёнчи қиёфасида Пушкин озодлик тимсолини кўрган бўлса, ажабмас.



Дарвоқе, пушкиншунослар шоирнинг Пугачёвга мойиллиги, унга айрича меҳри бўлганини ҳам таъкидлашади. Бу мойиллик, меҳр, аслида Инсондаги ҳур яшашга кучли истак туфайлидир. Гоголь айтганидек, Пушкиннинг фавқулодда ҳодиса экани, ўз замонидан жуда илгарилаб кетгани, танқид ва таҳдидларга қарамай Пугачёвнинг реалистик образини яратгани унинг барча замонлар ижодкорларига жасорат бобида берган адабий сабоғи, десак адашмасак керак.

* * *

Пушкиншунослар “Қуръонга назира” ва “Пайғамбар” асарларидаги мафкуравий ва бадиий талқинлар улар яратилган даврга хос анъанавий қарашлар ҳамда тасаввурларга батамом зид эканини, бу асарларида Пушкин умуминсоний қадриятларга юксак эътибор билан қараганини, беқиёс поэтик маҳоратини намоён этганини таъкидлашади. Ўша замонда рус дворян жамияти ва ҳукмрон мафкура “мусулмончилик”ка ўта тор миллатчилик, черков-миссионерлик манфаатларидан келиб чиқиб муносабатда бўлган. Қолаверса, Пушкин “Қуръонга назира”ни ёзаётган пайтда Греция билан Туркия ўртасида уруш бўлаётгани боис, рус жамиятида мусулмонларга қарши кайфият ниҳоятда авж олган, кунда-кунора матбуотда шу мавзуда шеърлар, насрий асарлар чиқиб турган.



Мана шундай вазиятда ҳукмрон мафкурадан холи бўла олиш, жамиятда жазавали кечаётган “миллий ва диний манфаатлар” учун муросасиз курашлар жараёнида Қуръонга холис, хотиржам, эътибор ва эъзоз билан ёндашиш шоирдан чинакам мардликни тақозо этарди. Пушкин бунинг уддасидан чиқди – “Пушкиннинг поэтик гулчамбаридаги ярқираган олмос”лар (В. Белинский) – “Қуръонга назира”, “Пайғамбар”дек асарлар яратди.

Ҳа, чинакам шоир миллийликдан чекинмайди, бироқ замон зайли тақозо этган миллий, диний манфаатлар доирасига сиғмайди. Бу буюклик нишонаси. Пушкин ҳам шундай шоирлар сирасидандир. Бундай шоирлар шон-шарафларга катта истеъдоди билангина эмас, аввало, тафаккурининг озодлиги, фикрининг ҳурлиги билан эришади.

* * *

XXI асрга – Инсоният ақлга сиғмайдиган кашфиётлар қилаётган ва айни пайтда қайсар ўсмир каби ҳануз уқубатли эҳтиросларга асир бўлиб қолаётган замонга Пушкин ҳурфикрли эрксевар шоир сифатида дадил кириб келди. Ва айни шу сифатлар унинг шеъриятини замонавийлаштирди, долзарблигини таъминлади. Замонлар, мафкуралар ўзгарди, мустабид тузумлар барҳам топди, дунё неча марта эврилди – Пушкин эса, ўша-ўша – бошини мағрур тутиб, рост сўз билан “юракларга олов ёқиб” турибди. Ўтган икки асрнинг нари-берисида рўй берган воқеалар, бўронли, тўфонли даврларда ҳам унинг шеърияти завол топгани йўқ, мероси рус маданияти ҳудудида қолиб кетмади, умумжаҳон маданиятининг бир бўлагига айланди. Бу меросдан биз ҳам кўпдан бери баҳраманмиз.

Чунончи, Пушкин шеърларини ўзбекчалаштиришга XIX аср охирида қўл урилган экан. Шундан кейинги бир юз йигирма йил мобайнида бу жараён тўхтагани йўқ. Зотан, “Ҳақиқий шоирларнинг асарлари барча замонларда ўзининг янгилигини ва навқиронлигини сақлаб қолади”, деб ёзган эди Пушкин. Бу фикр шоирнинг меросигагина эмас, унинг маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилинган асарларига ҳам тааллуқли.

XX аср бошларига келиб нақшли, серҳашам жимжимадорликдан қутула бошлаган ўзбек шеъри оддий тилга кўчди: очиқ-тиниқ, ифодаси маънодор ва ширали, жарангдор шеърият бадиий таржимада ҳам юксак поэтик техникани, мукаммал услубни намоён этди. Буни Чўлпон таржимасидаги “Борис Годунов”, Ойбек таржимасидаги “Евгений Онегин”, Ҳамид Олимжон, Элбек, Усмон Носир таржималаридаги Пушкин асарларида кўрамиз. Айниқса, Усмон Носир таржимасидаги “Боғчасарой фонтани” поэмаси тилининг содда, ёрқин ва оҳангдорлиги туфайли Пушкиннинг “ҳақиқий шоирларнинг асарлари”га қўйган “ташхиси” – “янгилиги ва навқиронлигини сақлаб келаётгани” билан ўзбек таржима санъатининг нодир намунасидир.

* * *

Пушкиннинг шеърлари тили содда, бир қарашда таржима қилиш осондек туюлади, бироқ бу соддаликда шоирнинг бой поэтик арсенали мужассам. Пушкиннинг шеърий матни остига яширинган маъно-мазмунни излашга ҳожат йўқ, унда ҳаммаси кафтдагидек – очиқ-ойдин. Оддий, барчага бирдек тушунарли тилда ёзиш, ёза билиш – ижодкорнинг баркамоллиги, таъбир жоиз бўлса, даҳо ижодкорлиги белгиси. Бундай асарлар таржимасида алданиб қолмаслик учун тилининг оддийлигига уйғун беқиёс поэтикани ҳис этиш, англаш лозим бўлади. Аслият матнидаги сўз, ибора, тимсол, сифатлаш, ўхшатишларни имкон қадар сақлашга – матн аниқлигига эришишга интилиш ва айнан мана шу кунт таржимонни “алданиб қолиш”дан сақлайди.

Келинг, шу ўринда Пушкин меросидан амалга оширилаётган энг янги таржималар мисолида фикримизни далиллашга уриниб кўрайлик. Пушкиннинг бир шеъри номи шоир ва таржимон Ҳумоюн таржимасида “Булбул ва атиргул” деб берилган. Шоирнинг яна бир “Гул” (“Цветок”) номли шеъри ҳам бор. Ҳумоюн “роза”ни айнан – “атиргул” деб беради. Аслида “атиргул” ҳам гул. Бир қарашда фарқ йўқдек, бироқ таржимоннинг аниқликка интилгани ўз самарасини берган: тасаввуримизда умуман “гул” эмас, “атиргул” пайдо бўлади ва бу аслиятдаги тимсолга, қолаверса, шарқона анъанавий образга ҳам мос.

Аслиятда ўқиймиз:

**В безмолвии садов, весной, во мгле ночей,**
**Поёт над розою восточный соловей.**

Таржимаси:

**Баҳор, намозшомда, салқин боғ ичра,**
**Шарқ булбули куйлар атиргул узра.**

Таржимада аслиятдаги бирор-бир сўз ёки ибора тушириб қолдирилмаган ёки таржимон ўзидан ниманидир қўшмаган. Мутаржимни аслиятта “қуллик”дан сақлаган омил эса вақт, вазият, ҳолат ва манзарани ихчам, мантиқан изчил боғлаб ифодалаганида. Бу принцип шеърнинг охиригача сақланган.

Албатта, шу ўринда беихтиёр ушбу шеърнинг Чўлпон амалга оширган гўзал таржимаси ёдга келади. Устоз шоирнинг эркин таржимасида сўз ва ибораларнинг ўзгартирилиб, айрим ҳолларда аслиятда йўқ сўз ва ибораларнинг киритилгани (масалан, “восточный соловей” – “ғариб булбул”, “Гулим, раҳм айлагил дерди” каби) таржимада аниқликни таъминлашдан кўра шеърнинг яхлит поэтик мазмунини кучайтиргани таҳсинга лойиқ. Чўлпон таржимасида шеър матни шарқона колорит талабларига кучли даражада бўйсундирилган ва гўзал ўзбекча шеърий асар яратилган; бир қарашда бу шеър таржимаси менга таржима асардан кўра Чўлпоннинг ўз нодир асарларидан бирidek туюлади. Таъкидлаш жоизки, Чўлпон таржимасидаги “Булбул ва гул” – ўзбек таржима мактабининг дурдона асари ва айни пайтда, Ҳумоюн таржимасидаги “Булбул ва атиргул” бугунги таржимачилигимизнинг ютуқлари сирасидан: бирида аслият мазмунига садоқат, иккинчисида таржимада аниқлик принципи ўзини тўла оқлаган.

Кенжа авлод ижодкорлари устозлар очган қўриқлардан баҳраманд бўлиб, уларнинг тажрибаларидан ўрганиб, Пушкин каби мумтоз шоирлар асарлари таржималарини “янгилаётгани” қувонарли ҳолдир.

Таржима асарларнинг “янгиланиши”ни, аввало, замон тақозо этади.

Пушкин меросидан таржима қилинган асарларнинг бугунги кунда амалга оширилаётган қайта таржималарида атоқли шоир-таржимонларимизнинг жуда катта хизмати бор. Улар очган қўриқ – илк таржималар бугунги ёш таржимонлар авлодининг “юкини енгиллаштириши” шубҳасиз. Мумтоз асарлар таржимасига биринчи бўлиб қўл уриш ҳамиша янги асар яратиш билан тенг турадиган иқтидор ва ижодий заҳматни талаб этади. Бу заҳматни чекиб, ўзбек таржима мактабининг пойдеворини яратган Чўлпон, Ҳамид Олимжон, Миртемир сингари устоз шоир-таржимонларнинг тажрибалари бугунги ёш таржимонлар учун икки жиҳатдан фойдали: биринчидан, уларнинг таржималари ушбу соҳага кириб келаётганлар учун ўзига хос намуналар; иккинчидан, уларнинг таржималари кейинги авлод таржимонлари учун ўзбек таржима мактаби савиясини янада юқори кўтаришда ишончли асос. Таржима қилинган асарларни “янгилаш”да – уларнинг янги таржималарини яратишда устоз шоир-таржимонлар амалга оширган таржималарнинг қайси бир нуқталарига қайта ишлов бериш, кучайтириш, яхшилаш, аслият руҳини, оҳангини янада тиниқлаштириш зарурлигини, замонавий тил воситаларини қўллай билиш ёш таржимонларнинг иқтидори, фаҳм-фаросатига боғлиқ. Албатта, устоз шоир-таржимонлар эришган ютуқлар, ўзбек таржима мактабини бойитган тажрибалар кейинги авлод таржимонларига ўзбек таржима санъатини янада юқори даражага кўтаришда пойдевор вазифасини ўтайди. Чунончи, Пушкин барча замонларда асарлари севиб ўқиладиган шоирлар сирасидан. Мумтоз шоир шеърларининг яхши таржималари миллий маданиятни, адабиётни бойитишга хизмат қилади.

* * *

Пушкиннинг шеърларида “бўрон”, “тўлқин”, “денгиз” тимсоллари кўп учрайди. Табиат ҳодисалари гўё шоир юрагидан куч олгандек. “Бераҳм асримда ҳам Эркинликни куйладим” деб ёзган шоирнинг лирик қаҳрамони “Денгиз ўғлонига” даъват этаркан “бепоён Уммон”га – кенгликка, эркинликка интилади, кўҳна соҳилларда қолишни истамайди. Аслида ҳам улуғ шоирнинг ҳур тафаккури, қалбидаги эркка ташналик, чорлов, миллати ва эътиқодидан қатъий назар, инсонларни курашиб яшашга, озод яшашга чорлайверади. Бу қутлуғ мероснинг умумбашарий аҳамияти ва барча замонлар, халқлар учун қадр-қиммати ҳам шундадир.

**Аҳмад ОТАБОЕВ**

# ЮКСАК МАРРАЛАРГА РУҲЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

2020 йил 1 сентябрдан бошлаб кўчма цирклар томонидан ташкил этиладиган томоша тадбирларига оммавий тадбир ўтказиш учун рухсатнома ва рухсат бериш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш талаб этилмайди, бунда тадбир ташкилотчилари уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ички ишлар органларини камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиши кифоя қилади. Кўчма циркларидан давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ва бошқа очиқ ҳудудларда томоша тадбирлари ўтказиш учун ижара ва бошқа турдаги тўловлар ундирилмайди. Шунингдек, бундай тадбирларда тегишли органлар томонидан жамоат тартиби ва ёнғин хавфсизлиги тўлов ундирилмаган ҳолда таъминланади. Бу эса, ўз навбатида, кўнгилочар томоша тадбирларининг сифати ва сонини оширишга хизмат қилади.

Кейинги пайтларда плагиатлик билан боғлиқ можароли ҳолатлар кўп кузатилаётгани сабабли, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муҳим вазифалардан бирига айланди. Фармонга биноан, санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси тузилгани бу борадаги ишларнинг кўнгилдагидек бўлишини таъминлайди.

**МУНОСАБАТ**

Маълумки, мусиқа йўналишида таълим олувчиларни махсус ўқув қўлланмалар, дарсликлар ва адабиётлар билан таъминлашда қийинчиликлар кузатилаётган эди. Эндиликда Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Мактабгача таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ноталар тўпламлари ва махсус мусиқий адабиётларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан чоп этиш ва уларни таълим муассасаларига тўлиқ етказишни таъминлаши белгилаб қўйилди. Бу, албатта, юртимизда мусиқа билимдонлари етишиб чиқишига катта туртки бўлади.

Театрлар фаолиятида ҳам муҳим эътиборга молик ўзгаришлар амалга оширилади. Бола қалбида кичик ёшиданоқ ҳалоллик, ростгўйлик, ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат каби инсоний фазилатларни камол топтирувчи масканлардан бири айнан қўғирчоқ театрларидир. Бинобарин, 1928 йилда Тошпўлат Дониёров асос солган Ўрта Осиёда биринчи қўғирчоқ театри труппаси негизида ташкил топган Республика қўғирчоқ театрига Ўзбек Миллий қўғирчоқ театри номи берилиши муҳим воқеа бўлди. Инсоният тарихидан маълумки, театр бутун бир жамиятни тарбияловчи восита сифатида ўзига хос аҳамият касб этиб келган. Қўғирчоқ театри мавжуд бўлмаган вилоятларда ушбу театрларни ташкил этиш таклифи ҳам аҳамиятлидир.

Дунёда барча халқларнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритилган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий меросини асрдан асрларга етказувчи кўприк бу музейлардир. 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи якшанбаси "очиқ эшиклар куни" деб эълон қилинди. Шу кунларда фуқаролар музейларга бепул киритилади. Бу бевосита аҳолининг музейларимиз билан танишуви, уларни ўрганишга бўлган қизиқишларини оширишга кўмак беради.

Музейларимизда бошқарув жараёнини такомиллаштириш бўйича ҳам вазифалар белгиланганини айни муддао бўлди. Яъни Ўзбекистон давлат санъат музейига – санъат соҳасидаги, Ўзбекистон тарихи давлат музейига – маданият ва тарих соҳасидаги барча музейлар фаолиятини илмий-тадқиқот ва методик жиҳатдан мувофиқлаштириш, уларнинг ушбу йўналишлардаги ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, кадрларнинг илмий салоҳиятини ошириш вазифаси белгиланди.

Маълумки, маданият ва санъат ташкилотларининг "дўстлар клублари" фаолиятини йўлга қўйиш орқали уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мутлақо янгича самарали тизим яратилган. Эндиликда мазкур клублар музейлар соҳасига татбиқ этилишини таъминлаш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Фармонда кўчма цирк ва ҳайвонот боғларини ташкил этиш, маданият марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар, айниқса, чекка ҳудудлар аҳолисининг маданий салоҳиятини юксалтиришга кенг йўл очиб бериши билан муҳим саналади.

Маданият вазирлиги фаолияти, тузилмасининг такомиллаштирилиши, унинг зиммасига аниқ вазифалар юклатилиши борасида ҳам қатор вазифалар белгиланиши маданият ва санъат соҳасида тубдан ислохотлар олиб борилишининг аввали десак, янглиш бўлмайди.



Яна бир муҳим нарсага алоҳида тўхталишимиз лозим. Бу ҳам бўлса шу кунга қадар кўплаб соҳа вакиллари учун касб байрами кунлари белгиланган эди. Аммо халқаро миқёсда "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни" сифатида нишонланиши, бизда расман қайд этилмаган эди. Фармонга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Маданият вазирлиги, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси, Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчиликнинг маданият ва санъатнинг жамиятимиз ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрнини ҳисобга олиб, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 15 апрелни "Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни" деб эълон қилиш тўғрисида аниқ таклифлар илгари сурилгани барчамизни бирдек руҳлантирди.

Тарихан маданияти юксак халқимизнинг, айниқса, Олот ва Қоракўлдаги табиий офат ва Сардобадаги фожеадан сўнг яна ҳам бирлашиб, ўзбек миллатининг маданиятли ва бирдамлиги мустаҳкам халқ эканини исботлаб берганини бутун дунё кўрди.

Бугун янги Ўзбекистонда маданий юксалишга алоҳида урғу берияпти. Бой миллий маданий меросимизни, айниқса, музейларимизда сақланаётган ноёб экспонатлар, дурдона асарлар, миллий ҳунармандчилик намуналаримизни музейларимиз орқали дунёга намоён этяпмиз.

Президентимиз таъкидлаганларидек, юртимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди. Бу борада олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда яратилаётган шароитлар бизга ифтихор билан бирга жуда катта масъулият юклайди.

---

*Ўтган ҳафтанинг оламшумул воқеаларидан бири, шубҳасиз, америкалик машҳур тадбиркор Илон Маскнинг Crew Dragon хусусий кемаси астронавтларни илк бор халқаро космик станцияга олиб чиққани бўлди.*

# ИЛОН МАСКНИНГ ФАЗО КЕМАСИ



"Давлат-хусусий шерикчилик" деган ижтимоий-иқтисодий тушунча юртимиздаги ислоҳотлар жараёнида тобора оммалашиб бораётир. Давлат буюртмаларини бажаришда тадбиркорлар хусусий техника воситаларидан, дейлик, автобус, юк машинаси, трактор, экскаватор ва ҳоказолардан фойдаланиши одатий ҳол. Флорида штати, Канаверал бурнидаги космодромдан тарихда илк бор хусусий космик кеманинг фазога кўтарилиши – давлат-хусусий шерикчиликнинг энг илғор инновацион тури, дейиш мумкин. Кемани 53 ёшли астронавт Дуглас Харли ва 49 ёшли Роберт Бенкен бошқаришмоқда.

Бу тарихий воқеа дунё оммавий ахборот воситалари қаторида юртимиздаги ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокама қилинди. Юртдошларимизнинг ҳавас, ҳайрат билан ёзган изоҳлари қай жиҳатдандир умидли истиқболдан дарак бераётгандек, назаримизда. Негаки тараққиёт аввали – ҳавасда, муайян маълумотларни билиш, таққослаш ва таҳлил қилиш – илмнинг пойдевори, дейиш мумкин.

Бу изоҳларни ўқиб, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўзим кўрган манзаралар эсга тушди. Ҳудудида автобуслар қатнайдиган улкан корхонада самолётнинг минглаб деталлари ясалар ва йиғиш ишлари амалга ошириларди, корхона дарвозасидан эса улкан самолётлар чиқиб, учиш йўлаги томон вазмин йўл оларди.

1997 йили олий тоифали конструктор Абдулла Тешабоев "Бургут" деб номланган енгил самолёт лойиҳасини ишлаб чиққани ҳақидаги хабарни матбуотда ўқигандим. Ўшанда: "Мана, юртимизда самолёт ишлаб чиқарадиган ўз заводимиз, мутахассисларимиз бор. Ҳадемай ўзбек конструктори яратган "Бургут" номли самолётимиз пайдо бўлади. Америка киноларида кўрганимиздек, жажжи самолёт энди бизда ҳам бўлади", дея умид қилган эдик. Орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. Қани ўша "Бургут"? Уни ишлаб чиқариш учун ўзимизда ҳамма имкониятлар бор эди-ку? "Бургут"нинг йўлида қандай тўсиқлар бўлган экан?

Ўшанда фақат самолётсозлик эмас, электроника, радиотехника, яримўтказгичлар каби замонавий тармоқлар, корхоналар мавжуд эди. Афсуски, ўтган даврда ўз имкониятларимиздан унумли фойдаланиш ўрнига, ҳамма нарсани четдан сотиб олишга ружу қўйдик...

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил Олий Мажлисга Мурожаатномасида ана шундай оғир саволлар илк бор тилга олинган эди: "Биз 25 йил илм билан шуғулланмадик, бор илмни йўқ қилдик": "25 йил ичида нега кучли олим чиқмади?!".

Ўшанда Президент маърузасини тинглар эканман, бир неча йил бурун темир йўл муҳандислари институти талабалари билан бўлган мулоқот эсимга тушди. Бир гал 4-курсни битираётган талабаларга шундай шартни эълон қилдим:

– Японияда ўқишни битирган ёш мутахассис ўз соҳаси бўйича бирорта ихтиро қилса ёки компания фаолиятига фойдали янгилик киритсагина ишга қабул қилинади. Ўтган тўрт йил ичида локомотивлар, вагонлар, умуман, темир йўл тизимига бирорта янгилик киритиш устида озгина бўлса-да, изланиш олиб борган талабалар бўлса, дарҳол "5" баҳо қўяман. Шарти шуки, хомаки бўлса ҳам ҳисоб-китоблар ва чизмаларни кўрсатасиз...

Бу мурожаатим талабаларнинг диққатини тортди, албатта. Бўлажак транспортчиларнинг илмий изланишлари ва арзимас бўлса-да, "ихтиролари" билан танишишга ўзимни руҳан тайёрлаб, узоқ кутдим. Лекин ҳеч қандай ҳаракат кўринмади. Мен эса, ҳозир талабаларнинг кўпчилиги осонгина "5" баҳо олса керак, деб ўйлабман. Негаки, менинг соҳам – гуманитар фанлар, булар "фалон винтга ўзгартириш киритмоқчийдим", деб қандайдир формулалар ёзиб келса, тушунмаслигим ҳам мумкин. Афсус, "хавотир"ларим беҳуда экан. Мен кутган "ихтиролар"дан дарак бўлмади. Дарсдан сўнг бир неча талаба хонамга кириб келишди:

– Домла, бизга бирорта "хизмат" айтинг. Биз "армиячи"лармиз, "контракт"да ўқиймиз. "Аъло" баҳо бўлмаса, стипендия ололмаймиз. Буёғини ўзингиз тушунасиз-ку...

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Албатта, булар ёмон болалар эмас, ҳамма талабаларга ўхшаган талаба. Ишончим комил: менинг ғалати шартларимдан қатъий назар, баҳоларини олишади (мақсад – айнан "баҳо олиш" бўлгач!). Институтни муваффақиятли тамомлашади. Тантанали битирув маросими, "диплом ювиш" деган гаплар, табриклар ҳам бўлади. Темир йўлда яхши ишлаб ҳам кетишар. Лекин... ўзгариш, янгилик йўқ-да.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёев Сергели туманидаги янги шифохона комплексини очар экан, пировардида шундай дедилар: "Энди бизга замонавий врач ва тиббиёт ҳамширалари керак...". Бу даъват замирида долзарб муаммолар ечимига оид дастур мужассам, яъни замонавий мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги англашилади. Тиббиёт академияси, бир неча институтлар ва кўплаб коллежларни битириб чиқаётган минглаб мутахассислар бугунги талабларга тўлиқ жавоб бермаслиги аён бўлади! Юқоридаги даъват сўзлар ўтган йилги селектор йиғилишларидан бирида айтилган фикрларнинг мантиқий давомидир: "Шунча шароит яратяпмиз, технологиялар олиб келяпмиз. Жойлардаги раҳбарлар эса ўзини қийнамай, маҳаллийлаштириш устида ишлаш ўрнига осонгина импорт қилишга ўрганган. Энди бу саволларни қатъий қўйиб, сабабларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш, зарур хулосалар чиқариш ҳамда вазиятни ўнглаш пайти келди!"

Президент таъкидлаганидек, "осонгина импорт қилишга ўрганиш", фақат раҳбарлар эмас, бўлажак мутахассислар фикрини ҳам "забт этгани" айниқса таассуфли. Темир йўл муҳандислари институти талабалари билан суҳбат чоғида: "Мана, сизлар етук ва замонавий мутахассислар бўлиб чиқишингиз учун ҳамма шароитлар муҳайё. Энди, бутунлай ўзимизники бўлган, дейлик, "Тулпор" номли янги тезюрар поездни қачон лойиҳалаштирасизлар?" деб сўрадим. Шунда биттаси: "Шу шартми, чет элдан келаётганлари ҳам эҳтиёжимизни қондириб турибди-ку", деди.

– Нима, хорижда қандай янги техника яратилса, биз қачон сотиб оларканмиз, деб кутиб яшайверишимиз керакми? Қачонгача? Улардан қаеримиз кам?

– Домла, бунинг иложи йўқ. Аввало, янгиликни юзага чиқаришнинг ўзи бўлмайди. Кейин, масалан, солиқ, божхона, ўт ўчирувчилар, "СЭС", "Экология", ҳокимият ва ҳоказолар билан "муомала" қилиш керак. Оқибатда ишлаб чиқарадиган маҳсулотингиз чет элникидан ҳам қимматга тушади. Ахир, "Оч қорним – тинч қулоғим", деган гап бекорга айтилмаган...

Ўтган 2019 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисидаги Президент Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Космик тадқиқотлар ва технологиялар "Ўзбеккосмос" агентлиги ташкил этилди. Фармонга кўра, 2019–2020 йилларда Ўзбекистонда космик тармоқни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди.

Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди. Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Ёшлар академияси ташкил этилди.

Сўнгги бир неча йил ичида қабул қилинган, замонавий илм ва технологияларни ўрганиш ҳамда эгаллашга қаратилган бундай ҳужжатларни узоқ санаш мумкин. Хорижий мамлакатлар нуфузли олий ўқув юртларининг филиаллари бирин-кетин юртимизда ўз эшикларини очаётир.

Аммо яратилаётган бу имкониятларнинг майли, кичик бўлса-да, илк натижалари, шабадалари сезиляптими? Айни кунларда "Ўзбеккосмос", Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ёшлар академияси каби даргоҳларда нима гаплар, қандай амалий ҳаракатлар бўлаяпти? "Ойнаи жаҳон"да улар ҳақида бирор кўрсатув ёки дастур йўқ. "Инновациялар ва кашфиётлар" деган кўрсатувда бошдан-оёқ хорижда яратилган гаджетлар, дастурлар, роботлар, техник янгиликлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ўтган бир-икки йил ичида бизнинг олимларимиз наҳотки бирорта "инновацион винтик" ҳам ихтиро қилишмаган бўлса? Ижтимоий тармоқларда Илон Маскнинг хусусий фазо кемаси кенг муҳокама қилиниши бежиз эмас: бугун халқимиз инновацияларни яхши тушунади ва юртимизда ҳам ана шундай тараққиётни орзу қилади. Орзулар интилиш ва ҳаракатга бошлайди. Айрим киноя ва кескин фикрлар замирида бугунги иллатлардан тезроқ қутулиш, ўз-ўзини ислоҳ қилиш истаги сезилиб туради: "Чойхона, ош, орзу-ҳавас, "гап", тўй-ҳашам, сарпо-суруқ, қизингни узат, ўғлингни уйлантир, катта тўй қил, айниқса, аёллар нима деса шуни қиладиган феълимиз бизни тарк этмагунча, ўзимизни ўнглаб олмагунча шунақа... юраверамиз". Ижтимоий тармоқда бир иштирокчи шундай "таҳлил" қилади: "АҚШ нега энг ривожланган давлат эканини, АҚШликлар нега ҳаммадан олдинда эканини тушундингизми? Чунки Илон Маскни бирон марта ҳам солиқ, МИБ, прокуратура босмади! Илон Маскни бирор монополистик ташкилот ёптириб юбормади. Илон Маск мингта жойдан справка, документ, бало-баттарлар йиғмади. Илон Маскни аэродромини ҳокимият келиб бузмади..."

"Иван Васильевич касбини ўзгартиради" номли машҳур кинокомедиядаги созандалар "князь" Милаславскийга: "Отахон, сиз бошини бошлаб беринг, буёғини ўзимиз олиб кетаверамиз", дейишади. Кейин, қўшиқнинг оҳанги ва сўзларидан келиб чиққан ҳолда, мусиқани қойиллатиб чалишади.

Шунга ўхшаш, бизда ҳам замонавий техник тараққиётнинг "боши" аллақачон бошлаб берилган. Юрт – мустақил, табиий бойликларимиз дунё аҳли ҳавас қилгудек даражада. Энг замонавий техник илмларни эгаллашимиз учун йўллар ланг очиқ! Бугун тараққиётни "нол"дан бошлашга ҳожат йўқ. Тайёр андозалардан фойдаланиб, тараққиётни "келган жойидан" ўзимиз давом эттириб кетсак – бас!

**Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**

---

*Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан миллий маданият ва санъатнинг жамиятимизда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш, ҳаётга кенг тадбиқ этиш йўлида қабул қилинган Фармон ва Қарорда ўз аксини топган маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган вазифалар бугунги глобал ривожланиш ва тараққиёт даврида нечоғли муҳимлиги ўз тасдиғини топмоқда.*



# АНЪАНАЛАРИМИЗ БАРДАВОМЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамизда концерт-томоша фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларда концерт-томоша фаолиятини амалга оширувчи шахслар томонидан давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг буюртмаларига асосан кўрсатиладиган барча хизматлар ёзма ва ҳақ эвазига тузиладиган шартнома асосида тақдим этилиши белгиланган. Мазкур банд ижодкор ва ижрочиларнинг жамоатчилик асосида жалб этилишига йўл қўймаслик, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишида муҳим ўрин тутади. Чунки ҳар бир фаолият тури, яъни ақлий ёки жисмоний меҳнат, албатта, рағбатлантирилиши лозим.

Миллий ва замонавий композиторлик ижодини бошланғич ва ўрта таълим муассасаларида кенг тарғиб қилиш учун нота тўпламлари ва махсус мусиқа адабиётларининг танқислиги бизни бугунги кунгача ўйлантириб келаётган муаммо эди. Ушбу муҳим ҳужжатларнинг ижроси композиторларимиз ва мусиқашуносларимизни янги махсус адабиётлар яратишларига кенг жалб этади ва мусиқа таълими соҳасида самарали ютуқларга эришилишини таъминлайди.

Шунингдек, жонли ижро асосида ўтказиладиган концерт дастурлари учун ижара тўловларига 50 фоизлик чегирма жорий қилиниши таъкидланган. Бундай имконият санъаткорларимизни, айниқса, ёш хонанда ва созандаларни ўз соҳасига масъулият билан ёндашишга ундайди. Санъаткорларнинг жонли ижросини рағбатлантириш мақсадида берилаётган бундай имтиёз ва имкониятлар бугунги кунда урфга айланган фонограмма концертларнинг яқин келажакда саҳналардан чиқариб юборилишида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Шу тариқа, саҳналарда ҳақиқий санъат ва истеъдод эгалари ўз ўринларини эгаллайдилар.

Айтиш жоизки, муаллифлик ҳуқуқи композиторлар, ижрочи ва бошқа санъат вакилларини ўйлантириб келаётган масалалардан бири эди. Маълумки, композиторларимиз асарлари оммавий тадбирларда, концерт-томошаларда, радио тўлқинлари ва теледастурларда мунтазам янграб келади. Лекин янграган асари учун композиторларга қалам ҳақи, яъни гонорар тўланмайди. Энди мана шундай камчиликлар бартараф этилиб, ижодкорларнинг ақлий меҳнатига яраша даромад олиши таъминланади.

Яна бир муҳим масала: бу Маданият вазирлиги тизимида фаолият олиб бораётган олий ўқув юртлари негизида Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтининг ташкил этилишидир. Бу тадбир ёш ва иқтидорли мутахассисларни миллий мусиқа негизида тарбиялаш, юқори даражада касб маҳоратига эга бўлиб етишишлари учун таълим тизимида олиб борилаётган туб ўзгаришлардан далолат беради. Бунда миллий анъаналарга алоҳида урғу берилиши, мақом ижрочилиги билан бир қаторда авлоддан авлодга ўтиб келган бахшичилик ва катта ашула йўллари бўйича кадрлар тайёрлаш азалий анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлайди.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси**

# СЕН – КЎРКАМ ВА ГЎЗАЛСАН, МЕҲРИБОН ВА МУРУВВАТЛИСАН...

**Ҳалима АҲМЕДОВА**



***

Болалигимда бибимнинг узун ва учи қўнғироқ сочларини ушлаб юришни яхши кўрардим, ундан доим қалампирмунчоқнинг ҳиди анқирди. Бибим жуда хушрўй эди. Айниқса, жойнамоз устида янада сулувлашиб кетарди.

Намозини тугатгач, ундан сўрардим:

– Дунёда энг чиройли ким?

Бибим кўзларига тўлган нурнинг тилида иккиланмай:

– Оламдаги энг гўзал зот Аллоҳдир, – дерди…

Ўшанда ҳаммадан чиройли, кўркамлигингни билганман.

***

Уруш кўрган бобомнинг хотираларини титкилашдан завқ топардик, ҳоли-жонига қўймай гапиртирардик. У хотираларини сўзлаб туриб, бир воқеага етганда бўғзига кўз ёши тиқилиб қоларди:

…Тезоқар дарёнинг бўйидаги немис қишлоғига элликка яқин аскар кириб бордик. Бизга шу қишлоқни қолган-қутган фашистлардан тозалаш буюрилган эди. Биз автоматлардан тинимсиз ўқ отиб боряпмиз. Бир маҳал хароба уйнинг ичидан икки гўдагини икки қўлида маҳкам қучоқлаган немис аёли чиқди, у югурганча шиддат билан оқаётган дарё томон ошиқарди. Беихтиёр ўқ отишни тўхтатдим ва шерикларимга ўгирилиб қарадим, улар ҳам отишдан тўхтаган эди. Фақат украиналик йигит ҳамон отар ва бақирарди:

– Мана бу синглим учун, буниси онам учун…

Унинг қўлидан биргалашиб автоматни тортиб олдик. Йигит аламзадалик билан ўкириб йиғларди.

Немис аёли эса болаларини қучоқлаганча ўзини дарёга отди ва нариги қирғоққа сузиб ўтмоқчи бўлди. Биз таҳлика ичида уни кузатардик.

Аёл дарёни кечиб ўтишда анча машаққат чекди, узоқ уринди, охири соҳилга яқинлашганда икки боласини қирғоққа юмалатиб юборди, аммо ўзини қутқаришга мажоли етмади, у оқиб кетаркан ўз тилида нимадир деб бақирди. Шунда соҳилга туташган ўрмон ичидан бир эркак югуриб чиқди-да, икки болани олиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўша немис аёлининг икки боласини кўтариб, оёқлари билан жон ҳолатда сузгани ҳали-ҳали хаёлимдан кетмайди…

Бобом ушбу воқеани гапириб бўлганидан сўнг узоқ сукутга чўмар, юзидаги ажинлар ариқчага айланиб, кўз ёши оқарди.

Биз уни овутардик:

– Бобожон, бобожон, сиз дунёдаги энг меҳрибон одамсиз…

Бобом эса кўкка ишора қиларди:

– Энг меҳрибон, раҳмдил Аллоҳдир. Меҳрни кўнгилга у солади…

Ягона меҳрибон Зот эканлигингни болалигимданоқ англаганман.

***

Ўқувчилик пайтлари синфимизда ғирт безори Жалол деган бола ўқирди. У ҳеч ким ва ҳеч нарсадан қўрқмас эди, доим юзи қашқа бўлиб юрарди. Мактабда бирор нохуш воқеа юз берса ундан кўришарди. Ҳеч кимга қўшилмасди. Биз ундан қўрқардик. Ҳатто бир гал ўзига оро бериб юрадиган, жаҳли тез, барчамиз ҳайиқадиган рус тили муаллимасининг юзига тик қараб:

– Сиз ёмон аёлсиз, дадамни тинч қўйинг, – деб сумкасини кўтарганча синфдан чиқиб кетган. Ҳа, у кучли эди, шунданми ўзига ҳаддан ортиқ ишонарди.

Бир куни танаффус пайтида синфимиз ойнасини кимдир синдирибди. Табиийки, мактаб директори синфга кириб гуноҳкор сифатида Жалолга қўлини бигиз қилди:

– Айт, қачонгача сенинг бемаъни қилиқларингга чидаймиз, – деди.

Жалол шарт ўрнидан турди-да:

– Бу менинг ишим эмас, нега ҳар доим ҳамма айбни менга тўнкайсизлар, – деди тишларини ғижирлатиб.

Мактаб директори гапида туриб олди. Шунда Жалол тўрт томонга жовдираб боқди. (Шу паллада у жуда ночор эди) ва қўлини кўксига қўйиб чинқирди:

– Худо урсин, агар деразани синдирган бўлсам…

Барча кучлилардан кўра кучли, қудратли эканингга безори синфдошимнинг шу бир оғиз гапи мени ишонтира олган...

***

Бола эдим, шаббоданинг этагидан ушлаб ўт-ўланлар ичида югуриб юрардим. Сўзанакларни тутиб, қанотидаги қуёшда товланган рангларни томоша қилиб завқланардим. Онам тикиб берган эгнимдаги кашталии кўйлак гулини боғимиздаги гулларга қиёслардим. Ва бор овозим билан ҳайқирардим:

– Онамнинг гуллари чиройли, онамнинг гуллари чиройли.

Бир куни дарвозамиз олдида дугоналарим билан дадам шаҳардан олиб келган, сочлари қўнғироқ қўғирчоғимни ўйнаб ўтирганимда доим кир-чир юрадиган, кўйлагига устма-уст ямоқ солинган Шарофат даврамизга қўшилди. Ва дугоналарим қўлма-қўл ўйнаётган қўғирчоғимга қўл чўзди. Негадир уни жиним суймас эди, дарров қўғирчоғимни тортиб олдим-да:

– Шарофат – жулдур, Шарофат – жулдур, – деб бақира бошладим, дугоналарим ҳам менга қўшилди.

Бақир-чақиримизни эшитган онам ичкаридан югуриб чиқди, четда мунғайиб йиғлаётган Шарофатга кўзи тушгач, ҳамма нарсани тушунди, шекилли, юзимга шапалоқ тортиб юборди, кўзимдан олов чиқиб кетди. Сўнгра қўлимдаги қўғирчоғимни тортиб олди-да, Шарофатга узатди:

– Ол, қизим, бу сенга…

Беғубор оламимга мавҳум чангдай ёпирилиб келаётган кибр бир зумда тўзғиб кетди.

Юзимга илк бор шапалоқ туширган ва Шарофатга меҳр узатган қўллар онамнинг эмас, аслида сенинг қўлларинг эди...

***

Баҳор кунларининг бири эди. У ўзининг афсунгар нафаси билан ҳар гал мени хаёлпарастга айлантирарди. Мактабга бораётиб ёввойи гуллар ифори, турли-туман қушларнинг нағмасига чалғиб дарсга кечикдим. Биринчи дарсни жаҳлдор, аламзада кимё муаллими ўтарди. У кеч қолганларни кимё жадвалини кўрсатадиган таёғи билан аёвсиз савалар, қолганига бир соат бурчакка тик турғазиб қўярди. Синф эшигини очдиму унинг ғазаб кўр қилган нигоҳига тўқнашдим. Азбаройи қўрққанимдан йиғлаб юбордим ва тилимни ёлғон булғади:

– Муаллим, онам оғир ётибдилар, уларга қарадим.

Муаллимимиз аёллигига бориб юмшади:

– Бор, ўрнингга ўтир, бошқа кеч қолма!

Дарсда ўтирибману бутун жисму жоним ёнади, ҳатто суякларимгача қизиб кетаман.

Дарслар тугагач, уйга қараб югурдим. Югуриб бораётиб, бутун вужудимни аллақандай қўланса юк босганини сезаман, худди ҳеч қачон чўмилмаган одам ҳолатига тушаман.

Орадан бирор ҳафта ўтар-ўтмас, онам чиндан ҳам тўшакка михланиб қолди. Ўзимни муаллимнинг ғазабидан асраш учун онамни дардга сотганимни англадим. Шу ётганича қарийб ярим йил ўрнидан турмади, меҳрибон онам. Ичим кўз ёшига тўлиб кетди.

Менга, ўн тўрт ёшли қизга ёлғон – жаннатни ваъда қилиб, дўзах дарвозасининг қўнғироғини чалдиргувчи ва адаштиргувчи йўл эканини қалдирғоч тилида уқтирдинг.

# ИЖОДКОРЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМО ЭЪТИБОРИМИЗДА



Бугунги кунда ер юзида инсонлар ҳаётига хавф солаётган коронавирус касаллигини бартараф этишда шифокорлар ва олимларнинг кунларни тунларга улаб қилаётган хизматлари юксак эътиборга сазовордир.

Коронавирус – ўпка тўқимасининг шикастланиши ва нафас олишнинг издан чиқиши билан кечувчи оғир касаллик бўлиб, иммунитети паст ҳамда сурункали касалликлари бор инсонлар учун ўта хавфли ҳисобланади. Аслида бунга ўхшаган касалликлар инсоният тарихида янгилик эмас, дунё аҳли турли хил кўринишдаги пандемик жараёнларни, хусусан, коронавирусдан ҳам оғир бўлган ўлат, вабо ва бошқа вирусли ўта хавфли юқумли касалликларни бошидан кечирган. Бундай оғир балою офатларни билимли, тажрибали, меҳнаткаш, маданияти ва маънавияти юксак халқимиз матонат билан енгиб ўтган.

Аслида яшаб турган она заминимиз буюк неъматларга, доривор ўсимликлар ва меваларга бой. Кўплаб касалликларнинг олдини олиш учун халқимиз азалдан тозалик, ҳалоллик, саранжом-саришталикка катта эътибор берган. Қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин, дастурхон атрофига доимо ювиниб-тараниб, юз-қўллари тоза бўлиб ўтирган. Озиқ-овқат маҳсулотларини қайнатиб пиширмасдан, мева-чеваларни ювмасдан истеъмол қилмаган. Тиббий маданиятга, айниқса, уй-рўзғорда, ошхонада тозалик ва покизаликка қаттиқ амал қилинган.

Тиббиёт илмининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино ҳам ўпка нафас олиш фаолиятини бузувчи барча турдаги хасталикларни табиий мева ва доривор ўсимликлардан фойдаланган ҳолда даволаган. Бунинг учун қандай чора-тадбирларни амалга оширганини буюк бобомизнинг китобларидан ўқиганмиз – қуруқ анжир, арпабодиён, исириқ, зиғир уруғи, арпа қайнатилиб ичилган, қайнатилган анор пўстлоғи билан томоқ ва оғиз бўшлиғи чайилган, кам миқдорда ичилган, беҳи, аччиқ бодом ёғи шакар билан аралаштирилиб ейилган, пиёз ва саримсоқ пиёз ҳар куни овқатга қўшиб тановул этилган, наъматак меваси ва лимонли чой асал билан қўшиб деярли ҳар куни наҳорда ичишга тавсия қилинган. Бу неъматларнинг барчаси ўзимизда мавжуд бўлиб, улар иммунитетни оширган. Кайвони оналаримиз касалликларнинг турларига қараб, ҳозирги кунга қадар ана шу табиий маҳсулотларни самарали ишлатиб келмоқда.

Коронавирус касаллигини олдини олиш ва унга қарши курашишда шифокорларимиз берган барча тавсияларни сўзсиз бажариш, санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш, кўчага иложи борича чиқмаслик, бегона кишилар билан яқин мулоқотда бўлмаслик, уйдаги барча очиқ жойларни хлор сақловчи эритмалар билан тозалаш ҳамда уйдан ташқарига чиққанда ниқоб тақиш, ниқобларга ҳар 3 соатда химик ёки термик ишлов бериш ёки алмаштириш зарур.

Ана шу талабларга риоя қилган ҳолда карантин даврида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникасида малакали шифокор ва ҳамширалар узлуксиз ишлаб келмоқда. Ушбу даврда бугунги кунгача поликлиникага 600 дан ортиқ мурожаат бўлди. Ёзувчилар уюшмаси аъзоларидан 36 нафарига уй шароитида тиббий хизмат кўрсатилди, 6 нафари касалхонага жойлаштирилди, шунингдек, қолган беморларга амбулатор шароитда тиббий хизмат кўрсатилди. Юқумли вирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида 16 март кунидан бошлаб поликлиникада махсус изолятор хонаси ташкил этилди. Юқумли касалликлар шифокори И.Мадатов ва ҳамшира Л.Маратова санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда поликлиникага ташриф буюрган уюшма аъзоларини бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиб келмоқда. Ёзувчилар уюшмаси марказий аппарати ва Дўрмон ижод уйига кириш қисмида махсус тиббий пост ташкил этилиб, ҳамшираларимиз Ш.Очилова ва Ф.Ражапова биноларга кириш йўлагида тепловизор орқали барчанинг ҳароратини текшириб, қўлларнинг антисептик воситалар билан ювилишини назорат қилмоқда. Поликлиника "Ижод" жамоат фонди томонидан керакли бўлган тиббиёт анжомлари, дори воситалари ва дезинфекцияловчи эритмалар билан тўлиқ ва доимий таъминланмоқда.

Тиббий анжомлар ва ускуналарни барча турдаги бактерия ва вируслардан халос этувчи энг замонавий автоматик юқори босимда ишлайдиган стерилизатор аппарати поликлиника фаолияти учун март ойида харид қилиниб, айнан бугунги кунда ушбу аппаратдан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ҳозирги кунда поликлиникада барча муолажа хоналарини косметик таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, ходимлари ва уларнинг оиласида коронавирусга чалиниш ёки карантинда бўлиб туриш ҳолатлари аниқланмади.

**Анвар РАЖАБОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси поликлиникаси бош шифокори**




ҚАТРАЛАР

## БЎЛАКЧА МЕҲР

Бизнинг Тўда, қўшни Авазбой ва Жаҳонобод қишлоқларида Султонали исмли кишилар жуда кўп бўлган.

Бу қишлоқлар ўз вақтида битта қишлоқ кенгаши таркибига кирган. Кенгашнинг котиби Баракавой ака, қоровули Султонали ака эди.

Учта қишлоқдаги янги туғилган гўдакларга гувоҳномани Баракавой ака ёзган. Ота-оналардан гўдакка қандай от қўйишганини сўраган. От қўйилмаган бўлса, "Султонали деб атаймиз, бундан яхшисини тополмайсизлар", дея ёзишга тушган.

Султонали ака девзира палов пиширишни, кўк чой дамлашни қойиллатган. Баракавой ака эса ҳар куни икки маҳал ошни, унинг устидан икки чойнак аччиқ чойни кўрдим демаган.

...Ва шу боис Султонали акага, Султонали деган исмга одамларнинг меҳри, ҳурмати жуда бўлакча эди.

## СЎНГГИ ЁЛҒОН

Она оғир дард билан касалхонага тушди. Кўргани келган ўғлига ҳар гал "Келинни ҳам олиб келмабсан-да", деб қўярди.

Ўғил нима сабабдандир ҳар сафар бир баҳона топарди. Биринчи гал, келинингизнинг боши қаттиқ оғрияпти деса, кейинги сафар грипп бўлиб қолди ёки қон босими кўтарилиб кетди, деб ёлғонларни тўқирди.

Сўнгги бор келинингизни мотоцикл уриб юборди, дедию кўзига ёш олди.

... Афсуски, бу рост эди.

## «ЎТКАН КУНЛАР» «ГЕОГРАФИЯ»СИ

Қиш фасли. Бешинчи синфда ўқийман. Кўчамизнинг этагида яшовчи Муллатоштемир бува шомга яқин муқовасига "География" деб ёзилган китобни қўлтиғига қисганича кўча бошида яшовчи Эгамберди буванинг уйига кириб кетади. Ундан кейин ғўзапоя, қуруқ тут каллаги, бир шиша керосин кўтариб олган маҳалладошлар ва улар қатори отам ҳам Эгамберди буванинг хонадонига кириб кетишди. Тун бўйи мўридан тутун чиқиб турди.

Бир куни эрталаб мактабга кетишдан олдин отамдан: "Муллатоштемир бува дардга чалинган болаларга дам солиб юради, кечқурун сизларга "География"ни ўқиб берадими", деб сўрадим.

Отам айёрона кулиб жавоб қилди: "У киши жуда билимли одам. Ҳар соҳадан хабардор. Муллатоштемир ота бизга "география"дан ҳам, авлиёлар ҳаётидан ҳам ҳикоя қилиб беради", деб мийиғида кулиб қўйди.

Кейинчалик билсам ўша "География" деб ёзилган муқованинг ичига "Ўткан кунлар" романи солинган экан.

## ИФТИХОР

Маккадаги энг катта дўконлардан бирининг пештоқига Ўзбекистон байроғи илиб қўйилган. Дўконнинг эгаси саксон ёшлардаги отахон бўлиб, асли Марғилон шаҳридан экан. Дўкон биз қўнган меҳмонхонанинг шундоқ ёнида бўлгани учун йўл-йўлакай тез-тез кириб турдим.

Бир сафар: "Отахон, доимо шу ердасиз, савдога ҳам аралашиб турасизми", деб сўрадим. Отахон: "Кўряпсиз-ку, савдони ўғилларим қилишяпти. Мен байроқлардан хабар олгани ва сиз каби ватандошлар билан дийдорлашгани келаман", дея жавоб берди.

Ушбу ҳикояни тинглаб ҳам байроғимизга, ҳам олисдаги отахонга меҳрим ошиб кетди.

## БАЙРАМ

Юртимизда байрамлар кўп. Ана шундай байрам кунларининг бирида Турсунали акамни кўчамизда кўриб қолдим: "Ҳа, Турсунали ака, йўл бўлсин", дедим. "Риштондаги клубда бўладиган байрам тадбирига", деди мўйловини силаганича.

Сал ўтмай шаррос ёмғир қуйди. Уст-бошлари жиққа ҳўл, ҳаллослаганича лой кечиб келаётган Турсунали акага яна рўпара келдим: "Ҳа, ака, нега ортга қайтдингиз?" дедим. "Хирмонга кўсакларни ёйиб қўйган эдик, агар уларни ғарамлаб, устини ёпмасам нам тортиб, чувишга ярамай қолади", деди у.

Турсунали ака аслида, байрамларни далада ўтказиб ўрганган эди.

## ОТАХОН

Кекса отахон бир куни ёшлар даврасида қизиқ ҳангомани айтиб қолди. Ёшларнинг барчаси мириқиб кулишди. Озгинадан кейин у ўша ҳангомани иккинчи марта айтди, уч-тўрттаси мийиғидагина кулиб қўйди. Отахон ҳангомани учинчи бор такрорлаганда ҳеч ким кулмади.

Шунда: "Бир ҳангомага ҳар сафар бирдек кулмадинглар. Айтинглар-чи, нима учун битта ғамга ҳар сафар бирдек йиғлайсизлар?", деди.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,**
**профессор**

Ўзбек Миллий академик драма театри раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дубляж устаси

**Ҳошим АРСЛОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси Аҳрорқул Байзаевга отаси

**Эгамқул ота**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru
Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Ҳамкоримиз: imzo akfa
Бош муҳаррир Салим АШУРОВ
*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5195. Буюртма Г - 655.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.50.
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2181-614X
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*